

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – БУЮК МУЛОҚОТ
ЙЎЛИ**

ТОШКЕНТ-2004

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

Ипак йўлларида бахтинг бекати
Алломалар юрти эрк мамлакати
Беклар сулоласи ўзбек миллати
Қошу кўзингдек асранг ватанни

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – БУЮК МУЛОҚОТ
ЙЎЛИ**

Методик-библиографик қўлланма

Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри

ТОШКЕНТ-2004

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: М.И.Матмурадова

Муҳаррир: Ҳ.Маматраимова

Матн терувчи: З.Джалилова

«Буюк Ипак йўли»га бағишланган ушбу методик-библиографик кўлланмада «Ипак йўлининг тарихи, тармоқлари, ривожланиши ва ҳозирги даври, тадқиқот, кашфиёт, ўтказилган экспедициялар, халқаро конференциялар, тадбирлар, соҳибкирон Амир Темур тузукларидан намуналар, Президентимиз И.А.Каримовнинг, хорижий меҳмонлар, ҳамда юртдошларимизнинг фикрлари, шунингдек «Буюк Ипак йўли» мавзуси бўйича ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро,
Хива сингари қадимий шаҳарларимиз
Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқталари
ҳисобланиши билан бирга, меъморчилик,
маданият, фан ва санъат соҳасидаги
мислсиз ютуқлари билан барча қитъа-
лардаги сайёҳлар эътиборини тортиб
келган ва келмоқда.*

И.А.Каримов

Европа билан Осиёни боғловчи халқаро савдо ва мулоқот йўли ҳисобланган «Буюк Ипак йўли»нинг тарихи қадимларга бориб тақалади. Милоддан аввалги 2 мингинчи йиллардан бошланган Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг жанубда Ҳиндистон ва Эрон, жануби-ғарбда Олд Осиё халқлари билан ўзаро алоқалари милоддан аввалги IX-VIII ва VI-V асрларга келганда янада кенгайган.

«Буюк Ипак йўли» деганда, киши кўз ўнгига бундан минг йиллар илгари сахрою даштлардан ўтган савдо қарвонлари келади. Минглаб чақиримча чўзилган, тоғ даралари оралаб, қорли баланд давонларни ошган ва сувсиз бепоён дашту сахроларни кесиб ўтган бу узоқ савдо йўллари бўйлаб қатор-қатор қарвонлар, сайёҳу дарвешларнинг, турли мамлакатлар элчию вакилларининг йил-ўн икки ойлик катнови асарлар оша давом этган.

Сайёҳлик тарихига назар ташласак, ота-боболаримиз ҳам саёҳат қилиш, мамлакатларни ўрганиш, савдогарлик ишлари орқали бошқа мамлакатларда бўлганлар. Бу далилларни эса биз «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Интизор», «Рустамхон», «Равшан», «Қирқ-қиз» достонлари ва бошқа

* Каримов И.А. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларига мурожаат //Халқ сўзи.-1994.-4 окт.

халқ оғзаки ижоди манбаларида сайёҳликнинг илк куртаклари акс этганлигидан биламиз.

Шунингдек, «Буюк Ипак йўли» ўтган шаҳарда ўзининг машхур асарлари билан дунёга танилган буюк алломаларимизнинг ҳам ўз ўринлари бор.

Жумладан, Хоразмий (IX аср «География» асари), Термизий (IX аср «Солнома ва наврўзнома»), Жайхоний (IX аср «Масофалар ва мамлакатлар китоби»), Балхий (IX аср «Ер суратининг тасвири»), Наршахий (X аср «Бухоро тарихи») номаълум муаллиф томонидан 983 йилда ёзилган «Худуд ул-олам» («Олам чегаралари»), Хоразмий (X аср «Мафотих ал-улум» «Илмлар калити»), Беруний (X-XI аср «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Геодезия», «Маъсуд қонуни»), Носир Хисров (XI аср «Сафарнома») каби кўплаб ватандошларимизнинг илмий мероси буларнинг қимматли ноёб намуналаридандир.

«Буюк Ипак йўли»нинг Ўрта Осиёдан ўтганлиги Ўзбекистон сайёҳлигининг қадим-қадимдан ривожланганлигига далил бўла олади. XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Хуросонда фан, адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат (миниатюра ва наққошлик), мусиқа, саҳхофлик (муқовасозлик) ва хаттотлик санъати юксак даражада кўтарилди. Бунда Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шоший, Ҳофизи Абру, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод ва бошқа мамлакатлардан келган адиблар билан маданий алоқалар қилиб, ўзбек миллий маданияти ҳақида, унинг адабиёти ва санъати ҳақида катта ишлар олиб бордилар.

Айниқса ватандошимиз Бобурнинг «Бобурнома» асарида қанчадан-қанча мамлакатлар, жойларнинг манзаралари, табиати, халқларнинг урф-одатлари ва турмуш тарзи тасвирланган. Асрлар оша турли қитъалар, мамлакатлар, шаҳарлар, саҳро ва бархонлар ортидан йўл

юриб, карвон изидан кезиб бу йўл тарихини ўрганиш давом этди. Аммо, бу изланишлар ниҳоясига етмаган. Ҳозирда ҳам уни ниҳоясига етказиш қийин. Негаки «Буюк Ипак йўли»нинг тарихи ғоят узоқ, уни тезлик билан ўрганиш ҳам осон иш эмас. Бу йўлнинг тарихи ҳали юзлаб, минглаб авлод учун битмас хазина.

Минг йиллар давомида башарият хизматида бўлган «Буюк Ипак йўли» нинг жаҳон тараққиётида ўзига хос ўрни борлиги, шубҳасиз.

Минг йиллар олдин кум барханларни оралаб, узоқ ўлкаларга элтган ёлғиз оёқ карвон йўллари XX асрнинг охири, XXI аср бўсағасида одамларни яна ўзига жалб қилди. Инсоният яна ушбу қадимий йўлларга эҳтиёж сезди ва сезмоқда. Эҳтиёж эса ўз навбатида тараққиётга туртки бўлади.

Жумладан, 1987 йил ноябрда Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXIV сессиясида 10 мамлакат ташаббуси билан 1988 йилдан 1997 йилга қадар мўлжалланган йирик кўламли халқаро лойиҳа бўйича «Буюк Ипак йўли»ни тугал ўрганишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Бу лойиҳа Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг қамровда тадқиқ этишни назарда тутди. Асосий мақсади эса - Шарқ билан Ғарб ўртасида янада мустақамроқ маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ушбу буюк қитъаларда яшовчи кўп сонли халқлар ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилашдан иборат.

Айрим Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри Ланка, Япония) «Буюк Ипак йўли»ни ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар барпо этилган. Масалан: БМТ ва ЮНЕСКО қарорига кўра, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди.

Кўп йиллар давомида ўзбек халқи орзу этган мустақилликка эришиш туфайли тарихимизни,

маданиятимизни ва маънавий ўтмишимизни ўрганишга катта имкониятлар яратилди ва яратилмоқда.

Биз бугун истиқлол боис шундай озод Ватанда, ҳур диёрда яшамоқдамиз. Мустақиллик шарофати билан Ғарбу Шарққа қараб ўз йўлларимизни кўрмоқдамиз.

Ўзбекистон ҳукумати Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан биргаликда қадимги «Ипак йўли»да темир йўл тармоқларини қуриш ва автомобил йўлларини таъмирлаш, кенгайтириш, янгилаш, улар атрофини ободонлаштириш бўйича шартномалар тузди. Бир қанча янги транспорт йўллари ишга тушди.

«Буюк Ипак йўли»нинг тикланиши иқтисодий манфаат билан бирга давлатларнинг маданий-сиёсий ҳаётига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. «Буюк Ипак йўли»нинг тикланиши борган сари улкан аҳамият касб этмоқда. Бу йўл яна қайтадан тикланыпти. Бу – дўстлик, маданият, давлатларнинг иқтисодий юксалиш йўли, бир сўз билан айтганда тараққиёт йўлидир. Шунингдек, минтақа давлатларининг иқтисодиётини янги босқичга кўтаришга халқларнинг фаровонлигини ошириш, одамларни тараққиётнинг янги меваларидан баҳраманд этишга имкон яратади.

Республикамизда «Буюк Ипак йўли» мавзусига бағишланган монографиялар, рисола, брошюралар ва мақолалар чоп этилган. Мавжуд рисола ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида акс эттирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси «Буюк Ипак йўли»га оид, шу асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботининг илмий-амалий семинар, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, мўъжизалар майдони, китоб кўргазмалари сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

«Буюк Ипак йўли»нинг пайдо бўлиши, ривожланиши, йўлнинг тармоқлари ва ҳозирги кундаги тараққиётини чуқур очиб бериш учун кутубхона ходимлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-тарихий, санъат ва меъморчилик, археологик, географик, бадиий адабиётларга мурожаат этишлари мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини китобхоналарга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган, тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар, филологлар, адабиётшунослар, географлар, археологлар, иқтисодчилар, санъатшунослар, меъморлар, ўлкашуносларни, экспедиция аъзолари вакиллари жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Олтин мерос», «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Истеъдод» жамғармаси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни вакиллари, «Буюк Ипак йўли» илмий тадқиқот маркази, «Буюк Ипак йўли» банки ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу қўлланманинг мақсади «Буюк Ипак йўли» тўғрисидаги маълумотларни китобхоналарга етказиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам беришдир.

Элни элга улаган йўллар тарихига бир назар

Кишилиқ жамияти пайдо бўлибдики, унинг тараққиёт жараёни ҳеч қачон алоқаларсиз бўлмаган. Одамлар, уруғ жамоалари, қабилалар, элатлар, халқлар ва ниҳоят уларни ҳудудий, иқтисодий ва сиёсий бирлаштирган мамлакатлар ўртасида доимо алоқалар бўлган ва бу алоқалар туфайли йўллар пайдо бўлган. Тарихда милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон аҳамонийлари салтанати даврида унинг

худуди бўлиб «шоҳ йўли» ўтган. Ундан ҳам илгарироқ Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига бўлган эҳтиёж «лазурит йўли»нинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бадахшоннинг лазуритлари Месопотамия ва Миср подшолари саройларини, ибодатхоналарини безаган, аёлларнинг турли безакларини ишлашда кенг қўлланилган. Ғарб билан Шарқни бир неча минг йиллар давомида бир-бирига боғлаб келган ана шундай қадимги йўллардан бири – «Буюк Ипак йўли»дир. Бу йўл фанга «Ипак йўли» номи билан фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Рихтгофен Фердинанд Пауль Вильгельм (1833-1905) томонидан киритилган. Унга қадар бу йўл «Ғарбий меридионал йўл» деб аталиб келинган. Ана шу қарвон савдо йўлининг асл мазмунини ташкил этган ипак қачон ва қаерда пайдо бўлди, деган масалада фанда ҳар хил қарашлар бор. Жумладан, бу тўғрида турли ривоят ва афсоналар тўқилган.

Дарҳақиқат ҳаммамизга фанда ипакнинг ватани Хитой деб тан олинганлиги сир эмас. Хитойда ипакнинг пайдо бўлиши ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Мавжуд ривоятлардан бирига қараганда, Хитойда ипак милоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган экан. Хитой ҳукмдори Чин Чонг ипак ва ипак қурти, тут дарахти майдонларини кенгайтириш ҳақида катта ғамхўрлик қилган. Ривоятларнинг яна бирида милоддан аввалги 2698 йилда, яна бир ривоятда эса аввалги милоддан 2600 йилда Хитой маликаси Си Линг Чи боғда, тут дарахтлари соясида чой ичиб ўтирган пайтида, унинг пиёласига юқоридан пилла тушиб, иссиқ чойда юмшаб, унинг толалари ёйилиб кетади. Малика Си тилла ипларини пиёладан олиб ташлашга қанча уринмасин, унинг узундан-узун толалари чувалиб бўлмагунча чойни ипак ипдан тозалай олмайди. Ривоятда айтилишича, пилла толасини олиш усули ана шу воқеадан сўнг маълум бўлган. Хитой халқи пилла калавасини топиб олишини Осмон худоси Си Линг Чига боғлайди. Си – бу Осмон худосининг назари тушган малика, деб уни

илохийлаштирилган ва унга атаб ибодатхоналар қурилган. Ҳозирги кунга қадар Хитойда малика Сига атаб ҳар йили ипак байрами ўтказилар экан. Хуллас, ипакнинг ватани Хитой бўлганлигига шубҳа йўқ. «Ипак йўли» Хитойдаги ана шу ипак савдоси билан боғланган йўлдир. Хитойда ипакчиликнинг дастлабки кенг тарқалган жойи Хуанхэ дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Шандун вилоятидир. Қадимги Хитойдаги Сиан шаҳри (Шэнси вилояти) «Ипак йўли»нинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади.

Академик А.Асқаровнинг маълумотларига қараганда «Буюк Ипак йўли» Хитойнинг қадимги маркази Сиандан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келади. Бу ерда у иккига ажралади. Ипак йўлининг жануби-ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси орқали Хотанга, ундан Ёркентга келиб, Помир тоғининг даралари орқали Вахонга, ундан Бақтриянинг бош шаҳри Зарияспга (Балх) келган. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади, ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқандга қараб кетади.

«Ипак йўли»нинг шимоли-ғарбий тармоғи эса Дунхуанди Баши, Кучи, Турфан орқали Тарим воҳасига – Қашғарга боради. У едан Тошқўрғон орқали Ўзган, Ўш, Қува, Ахсикент, Попга, ундан Ашт дашти орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Самарқанддан Наутак йўли билан бирлашади. Йўл Самарқанддан ғарбга- Добусияга, Малик чўли орқали Бухоро ва Ромитанга, ундан Варахша орқали Бойкент ва Форбога бориб Амуль шаҳрига ўтади. Амулда Марвдан Урганч томон Аму бўйлаб кетаётган йўлга қўшилган. Қадимги Марв шаҳри ўзининг қадимий анъаналари ва турли йўналишдаги қарвон йўллари туташадиган географик қулайликларига кўра ипак йўлидаги энг йирик шаҳар эди. Шунинг учун ҳам Марвда маҳаллий дин зардуштийлик ибодатхоналаридан ташқари Ҳиндистоннинг будда, Византия христиан оламининг таянчлари бор эди. Қадимги «Ипак йўли» унганча шу минтақадан ўтган

«лазурит йўли». «шоҳ йўли» асосида Марвдан ғарбга томон катта карвон, савдо йўли бўйлаб Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Шарқни Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан боғлаб туради.

Милоддан аввалги II асрда истеъдодли Хитой дипломати Чжан Цяннинг Фарғона орқали Ўрта Осиёга қилган саёҳатидан сўнг, Шарқ билан Ғарб орасида Буюк Ипак йўли доимий мулоқот йўлига айланади. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиёда икки йўналиши мавжуд бўлиб, биринчиси Фарғона орқали ўтса, иккинчи Ҳиндиқуш ва Бадахшон бўйлаб ўтган. Фарғонадан ўтган биринчи йўл асосий трансконтинентал йўл ҳисобланган. Иккинчи йўл мавсумий ҳисобланиб, йилнинг фақат ёз ойларида фаолият кўрсатган, холос.

Кушонлар даврида савдо-сотик, ички ва ташқи савдо, айниқса ривожланди. Савдо муносабатларининг ривожланишида «Буюк Ипак йўли»нинг аҳамияти катта бўлди.

Милоддан аввалги II асрнинг охирида Хитой қўшинлари Довон (Фарғона) ерларига бостириб кирдилар. Ўша даврдан бошлаб Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотик ишлари ҳам ривожланиб борди. Хитой савдогарлари Марказий Осиёга асосан хом ипак ва ипак матолари, олтин, тери ва бошқа буюмлар келтирган бўлса, марказий осийлик савдогарлар Хитойга тилла буюмлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар элтганлар.

Милоднинг бошларида қадимги дунёнинг илғор маданиятли давлатлари асосан тўрттага: Ўрта Ер денгизидagi Рим, Яқин Шарқдаги Парфия, Хитойдаги Хан давлати ва ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва марказий Осиёни бирлаштирган қудратли Кушонлар салтанатига бўлинар эди. Ғарбдан Британ оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу тўртта

забардаст салтанат инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. «Буюк Ипак йўли» Хитойдаги Хан империяси пойтахтидан Кушон ва Парфия давлатлари ҳудуди орқали Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларигача чўзилди. Бу йўл туфайли кўп минглаб (умумий узунлиги 12 минг км) километр масофадаги давлатлар ўзаро алоқа боғлашга эришдилар.

«Буюк Ипак йўли» бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Марказий Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа жойларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилардилар.

Рим манбалари кейинроқ эса араб географларининг маълумотларига қараганда, Рим салтанатига Кушон давлатидан асосан темир ва темир буюмлар олиб кетилган. Хитойликларни эса биринчи навбатда «узоқ ва оғир йўлларни босиб ўтишига қодир бўлган» Фарғонанинг отлари хайратга солган. Жумладан, қуйидаги маълумот бунга асос бўла олади. Хитой манбаларининг хабар қилишича, Хитой императори бир жуфт Фарғона тулпори учун бутун Синцзян вилоятини беришга рози бўлган экан. Шунингдек Хитойга жун ва жун газламалар, қўй териси, қуроллар ва қимматбаҳо тошлар сотилган. Ўз навбатида Хитойдан ипак, турли Хитой газламалари, чинни буюмлар келтирилган.

Кушон давлати ундан ташқари катта ва кичик вилоятлар, дашт ва тоғ олди кўчманчилари билан савдосотик муносабатлари олиб борган. Юқорида қайд этганимиздек, бу муносабатларда «Буюк Ипак йўли» нинг аҳамияти бекиёс бўлди.

IX-X асрлар марказлашган Самонийлар даврида ҳам «Буюк Ипак йўли»нинг асосий тармоқларидан бири Фарғона орқали ўтган. Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Ер денгизи бўйи

давлатларидан чиққан савдо карвонлари Самарқанд орқали ўтиб, Хўжандга келган «Хўжанддан» сўнг йўл иккига бўлиниб, бири Поп (Боб), Ахсикент орқали Қувага борган, иккинчиси эса Сўх, Риштон, Марғилон орқали Қувада биринчи йўл билан бирлашиб, Ўш томон йўлланган (Ибн Хордадбех, Истахрий, Ибн Хаўвқал). Ўшдан сўнг, бу Буюк Ипак савдо йўли аввалгидек Ўзган, Отбоши ва Терекдавон орқали Хитойга ўтган.

Буюк Ипак йўлининг Шимолий Фарғона орқали ўтган тармоғи (Хўжанд-Боб-Ахсикент-Қубо) XI-XII асрларда Ахсикентдан сўнг иккига бўлинган бири «Миён – Рудан» («икки сув ораси») орқали Ўзган томон йўналган бўлса, иккинчиси Ахсикентдан Қубога эмас, Марғилонга борган. Жанубий Фарғонанинг Сўх-Ҳайдаркон регионида тоғ-кон саноатини тезкорлик билан ривожланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг Жанубий Фарғона (Хўжанд-Риштон-Қубо-Ўш) орқали ўтган тармоғи XI асрдан бошлаб, Сўх-Ҳайдаркан, Ўхна, Қадамжой, Водил орқали ўтиб, Марғилонга келган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, IX-X асрларда ривожланган шаҳар ҳисобланган Риштон XI-XII асрларга келиб қишлоққа айланиб қолади. Қува (Қубо) бўлса ўзининг аввалги мавқеини йўқотиб, кичик бир шаҳарга айланиб қолади.

Табиий экологик шароитнинг қулайлиги ҳамда Фарғона орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг шимолий ва жанубий тармоқларининг Марғилон орқали ўтиши XI-XIII аср бошларида ас-Самоний сўзи билан айтганда, унинг «энг буюк шаҳарлардан бирига» айланишига олиб келади.

XI асрга келиб Қорахонийлар давлати даврида сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзаганга кўчирилади. Археологик материалларнинг таъкидлашича, Ахсикент XI-XII асрларда ҳам аввалгидек, бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверди. Ахсикент бу даврда ҳам Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган йирик шаҳарлардан бири бўлиб қолади. Бу ерда Хитойдан, Ўрта Ер денгизи атрофи

мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз савдо карвонлари келиб турган.

Марказий Осиёда араб халифалигининг таъсири сусайиб, ерли феодаллар, хусусан Тоҳирийлар ҳамда Сомонийларнинг нуфузи кучая борди. IX асринг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришди. ва бу ерда араблар таъсиридан қутулган биринчи давлат – Сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди. Сўнгра бу ҳудудда Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари фаоллик кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўхна Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдо-сотик, хунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда маданий алоқалар, билим ўчоқлари ривож топди. Бундай иқтисодий-маданий марказлар улкан мусулмон Шарқининг турли ўлкаларини, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи қадимги «Ипак йўли» анъаналари давом эттирилган ҳолда алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлди.

Шунингдек, жуда кўп манбаларда VIII-XIII асрларда хунармандчилик, савдо-сотик, савдо йўллари, деҳқончилик, қурилиш ишларининг авж олганлиги, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Шош, Бискент, Ахсикент, Фарғона, Куба, Марғилон, Ўш, Ўзканд, Усрушона, Хавоканд, Хожанд, Женд, Урганч, Хива, Марв, Термиз каби қатор шаҳарлар ривож топган, улардаги меъморий ёдгорликлар, бозорлар, ободончилик ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Ўша давр муаррихлари, сайёҳлари Қифтий, ибн Усайба, ибн Халлақон, Ёқут Ҳажавий, Арузий Самарқандий, Саолибий, Байҳақий ва бошқалар Марказий Осиё шаҳарларидаги маданий ҳаёт, олим, шоир, адиб, турли маданий арбобларни тасвирловчи турли асарларни араб тилида ёзиб қолдирганлар.

Марказий Осиёда илк уйғониш даврида, яъни IX-XII асрларда ягона дин - ислом туфайли катта ҳудуд-Яқин ва

Ўрта Шарқда турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятда маълум умумийлик вужудга кела боргани; олдинги «Ипак йўли» аҳамиятининг ошуви, мамлакатлараро савдо-сотиқнинг, хунармандчиликнинг кўпайгани, шаҳарларнинг ривожини кўрамиз.

XIII асрнинг бошида Марказий Осиё халқлари Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқинига учради. Жумладан, кўп шаҳарлар, маданий ёдгорликлар вайрон этилди. Олиму фозиллар ўлдирилди, бошқа мамлакатларга қўвғин бўлди, илм-фан, маданият кескин тушкунликка юз тутди. XIII асрда Ипак йўлининг барча тармоқлари бўйлаб назоратни Чингизхон ўз қўлига олади. Бу ҳолат то XIV аср ўрталаригача давом этди.

Марказий Осиёда XIV-XV асрларда мўғул мустамлакачилигидан кутулиб, Амир Темур ва Темурийларнинг мустақил салтанати барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда яна ривожланишини кўрамиз.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички ва ташқи савдо равнақ топа бошлади. Самарқанд қадимдан Шарқнинг савдо маркази бўлиб, бу ердан бошқа мамлакатларни боғловчи «Ипак йўли» ўтар эди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Россия, араб мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ўрнатилиши Темур давлатининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Амир Темур савдонинг ривожига, карвон йўллари яхшилаш, уларни турли талон-тарождардан ҳимоя қилиш, четдан келтириладиган молларга солинадиган солиқларни тартибга солиш, савдогарларга имкониятлар туғдириш ишларига катта эътибор берган.

М.Қутлуқовнинг ёзишича, 1513 йили Қумул шаҳри Аҳмадхоннинг ўғли Мансурхон томонидан озод қилинади. Бу шаҳар учун кураш Мўғулистон хонларидан кейин Ёркенд (1465-1759) ва Жунғор (1635-1755) хонлари томонидан Минг ва Қин (Манжур) сулоласининг (1644-

1911) босқинчилик урушларига қарши то XVIII асрнинг биринчи ярмигача давом қилади. Мана шу аҳвол Хитой – Ўрта Осиё савдо муносабатларининг қисқаришига олиб келган.

Бинобарин, Туркистоннинг энг чет ўлкаси бўлган Шарқий Туркистонда ҳам XVII асрларда савдо муносабатлари камаймаган эди. 1603-1605 йилларда мазкур мамлакат шаҳарларига Ҳиндистонда карвон билан келган португалиялик сайёҳатчи Бенедект Гоэс Ёркенд, Қошғар, Оқсув, Турфон шаҳарлари катта савдо марказлари эканлигини, турли жойлардан келган савдогарлар билан гавжум бўлганлигини ёзади. XVIII асрда Манжурлар босиб олгунга қадар, бу заминнинг иқтисодий аҳволи ҳақида Григорий Николаевич Потанин рус архив материаллари бўйича бундай маълумот келтиради: «Жануб шаҳарларида яшовчи бухороликлар (кичик бухороликлар, яъни қашғарликлар) ўзларининг илк билимдонли самаралари билан завқланади, шоирларини ўрганади, боғдорчилик, тўқимачилик (жумладан) мато тўқиш ҳамда савдогарлик билан шуғулланади. Уларнинг карвонлари худди ўрта аср Генуя (Италия) республикасидай Осиёнинг энг йирик жойларигача борганлар. Бухоролик савдогарларни Аштархонда, Тоболда, Кяхтада ва Архангелськда учратиш мумкин».

Демак, Шарқий Туркистон савдогарлари XVIII асрнинг биринчи ярмида асосан ўз элида ишлаб чиқарилган моллар билан савдо қилган эканлар.

Тарихчи Қурбон Али-ал-Чугучакий «Таворихи хамсаи Шарқий» (Кўкон, 1910) асарида ёзганидай, Чугучак шаҳар савдосининг очилиши Жаҳонгир хўжа қўзғолонидан кейин манжур ҳокимияти манзур шаҳарда шимолий қўшинларнинг бир қисмини жойлаштиргандан сўнг вужудга келди. Чугучак шаҳрида қалъа қурилиши бошланиши билан ўзбек, уйғур, татар ва бошқа савдогарларнинг келиши ва атрофдаги чорвачи халқлар билан савдо-сотик ишларига йўл очилди,

Хитойдан катта чой савдогарларнинг келишига сабаб бўлган.

Муаллифнинг кўрсатишича, бошда маҳаллий савдогарларга фақат Шарқий Туркистоннинг молларини сотишига рухсат қилинган ва чет эллик савдогарларнинг келиши ман қилинган. Кейинроқ Ўрта Осиё ва Россия молларига бўлган талабнинг ортиши натижасида Ўрта Осиёлик ва россиялик савдогарларнинг сони кўпая бошлаган, аммо Чин ҳукумати Рус савдогарларининг келишини катъий тўсганлиги туфайли улар мусулмон қиёфасида келишига мажбур бўлганлар.

Шарқий Туркистондан ўтадиган Рус-Хитой савдо муносабатларининг тикланиши туфайли «Ипак йўли» да яна жонланиш пайдо бўлди. Шу сабабли маҳаллий молларга талаб оша борди. Савдо йўлида ҳунармандчилик тараққий қилиб, кичик-кичик фабрика ва корхоналар қурилиб, ички бозорни ривожлантиришга имкон туғилган.

1949 йил Хитой Республикаси тузилгандан кейин собиқ Совет ҳукумати билан савдо давом этган бўлса-да, 1960 йилларда собиқ Совет-Хитой муносабатларининг ёмонлашуви туфайли савдо қисқарди.

1978 йилда Хитойда бошланган иқтисодий ислохатлар туфайли 1980 йилларнинг ўрталарига келиб, Туркистондан ўтадиган қадимий қарвон йўлидан яна савдо муносабатларида жонланиш пайдо бўлди.

1987 йилда қабул қилинган ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси XXIV сессиясида «Ипак йўли-мулоқот йўли» халқаро дастури асосида «Буюк Ипак йўли» бўйлаб биргаликда халқаро экспедициялар уюштирилди. Бу экспедициялар кўп йилга мўлжалланган, яъни 1997 йилгача давом этди. Жумладан, «Сахро йўли» деб аталган маршрутнинг йўналиши билан танишамиз. Ашхобод-Марв-Чоржу-Ташховуз, Нукус-Гурганж-Бухоро-Қарши-Термиз-Кулоб-Душанба-Самарқанд-Ленинобод-Ўш-Андижон-Наманган-Тошкент-Туркистон – Чимкент-Жамбул-Чўлпон ота - Олма

ота-Панфилов-Хорчисдан иборат мазкур экспедицияда республикамизнинг кўп сонли (115 та) олимларидан ташқари 24 хорижий мамлакатларнинг 78 та йирик тадқиқотчилари қатнашган. Ушбу экспедиция ўн тўрт минг чақирим масофани босиб ўтган. Энг қадимий йигирма олти шаҳар қолдиқлари, юздан ортиқ археологик қазилмалар, илк ва ўрта аср шаҳарлари харобалари, меъморий ёдгорликлар, азиз-авлиёлар мақбаралари, шунингдек кўхна дафналар ва бошқа жойларда бўлганлар.

«Буюк Ипак йўли» ни тиклаш борасидаги учрашувлар, конференциялар, сайёҳликларни ривожлантириш дастурлари, ТРАСПКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар, фармонларда кўрсатилган бир қанча ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимиз мустақиллика эришган илк кунлардан бошлаб дунёга, Ғарб мамлакатларига олиб чиқадиган йўللарни очиш кун тартибига қўйилди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларида бу йўлларнинг аҳамиятини такрор-такрор таъкидлайдилар. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида бу мавзу атрофлича ёритилган. «Ипак йўли»нинг тикланиши орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йўлга қўйиш имконияти очилиши таъкидланган. Зеро, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун Ғарб ва Шарққа очилган қулай, арзон ва хатарсиз йўлларга эҳтиёжимиз бор. Уммонларга яқин бўлмасак-да, уларга олиб чиқиладиган энг қисқа йўлларни топиш зарур. Чунки кундан-кунга кўпаяётган харидоргир маҳсулотларимизни жаҳон бозорларига олиб чиқиш, ташқаридан эса ўзимиз истаган молларни олиб келиш учун эркин қатнов йўллари лозим. Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида ишлаб чиқилган ТРАСЕКА, яъни

Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори лойиҳаси энг макбул йўллардан биридир.

Кейинги пайтларда фақат Европа мамлакатларигина эмас, балки АҚШ ҳам «Буюк Ипак йўли» лойиҳасига қизиқиш билан қарамоқда. АҚШ сенати томонидан ҳозирланган «Буюк Ипак йўли-XXI аср» қонун лойиҳаси фикримиз далилидир. Давлатимиз раҳбари НАТОнинг 50 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Вашингтонга қилган сафари мобайнида сенаторлар билан ҳам учрашдилар ва улар ҳузурида нутқ сўзлади. Нутқда «Буюк Ипак йўли» нинг аҳамияти ва бу йўлнинг тикланишига нималар тўсиқ бўлиши мумкинлиги хусусида фикр билдирилди. Жумладан, диний экстремизм ва ақидапарастлик, айрим қўшни мамлакатлардан буюк давлатчилик шовинизм таъсиридан қутула олмаган гуруҳлар Ўрта Осиё давлатларининг нефть ва газини жаҳон бозорига чиқаришда лойиҳа йўлига ғов бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Дунёга чиқадиган йўлларни кўпайтиришдан мақсад мамлакатимиз иқтисодий раванқини таъминлаш ва пировардида халқимиз ҳаётини фаровон қилиш, республикамизнинг жаҳондаги илғор давлатлар сафидан ўрин олиши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Транс-Осиё магистралининг Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва Транс-Сибирь магистралидан 1500 км қисқа бўлган Тажан-Сарахс-Машҳад янги йўли ишга туширилди. Бу темир йўл Пекинни Истамбул билан боғлайдиган Транс-Осиё магистралининг таркибий қисми ҳисобланади. Қамчиқ давони бўлимининг курилиб ишга туширилиши катта воқеа бўлди.

Шунингдек, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни қошида «Буюк Ипак йўли» илмий тадқиқотлар маркази фаолият юрита бошлагани ҳам фикримизни далилидир.

Бугунги кунда Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг юзага келиши билан мазкур карвон йўлида иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар ўз мавқеини қайтадан тиклашга муяссар бўлмоқда. Айни шу минтақада бир-бирига нисбатан иқтисодий томондан эҳтиёжларнинг ўсиб бориши бу жойларда миллий саноатнинг ривожланишига сабаб бўлиб, маънавий бирликни муайянлаштириб халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Амир Темур ва темурийлар даврида «Буюк Ипак йўли»

Самарқанд XV аср бошларида Осиё ва Европа халқларининг Марказий Осиё орқали олиб борган кенг кўламдаги савдосининг маркази бўлган. Самарқанддан Кичик Осиёга, Ўрта денгизга, Хитойга ва Ҳиндистонга олиб борувчи жаҳон аҳамиятига моллик савдо йўллари ўтган.

Н.И.Леонов

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги давларида савдони янада ривожлантириш мақсадида карвон йўлларини яхши сақлашга катта эътибор берган. Карвон йўллари, яъни мамлакат ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли салтанатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг асосий қон томири деб ҳисобланган. Соҳибқирон Амир Темур буйруғига биноан кўпинча дала ўртасида, жануби-ғарбий вилоятларда Самарқандга элтувчи йўлларда то марказга қадар савдо аҳли, элчилар, саёҳатчилар тўхтаб дам олишларига мўлжалланган карвонсаройлар қурилган.

Шунингдек, отлар сақланадиган бекатлар ҳам ташкил этилган. Аҳоли яшайдиган ерлардан анча узоқ жойларда даштда ўтадиган карвон йўлларида жойлашган

карвонсаройлар махсус ирригация иншоотлари ёрдамида сув билан таъминланиб турилган. Манбаларда берилган маълумотлар бунга мисол бўла олади. «Икки кунлик йўл давомида ҳавонинг жуда иссиқлиги ва сувнинг жуда камлиги туфайли бирорта ҳам турар жой кўринмайди. Карвонсаройлардаги сув эса бу ердан бир кунлик узоқликдаги жойдан ер ости қувурлари орқали келтирилади».*

Амир Темур ҳукмдорлик даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари Буюк Ипак йўлининг тармоқлари орқали амалга оширилади. Бу йўл орқали Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Андижон каби савдо-ҳунармандлик марказларигина билан эмас, Мовароуннаҳрнинг майда шаҳар ва қишлоқлари ҳам жалб этилган.

Амир Темур буйруғи билан қурилган карвон йўлларида янги-янги карвонсаройлар, сардобалар, работлар, жумладан, Жиззах, Бухоро ва Дашти Қипчоқ чўлларидан ўтадиган йўлларда савдогарлар, элчилар, саёҳатчилар учун тўхтаб дам оладиган жойлар дашту чўллар ўрталаридаги қўнимгоҳлар барпо этилди. Масалан: Бухоро даштида «Қасри Олтин», «Работи Малик» қароргоҳлари барпо этилган.

Амир Темур ўз даврида Ғарб мамлакатлари билан Хитой ўртасида ўтмишда мавжуд бўлган асосий карвон йўллари тиклаш ва ривожлантиришга эътибор берган.

Жумладан, у Эгей ва Ўрта денгиз соҳилларидан то Хитой чегараларигача, Дашти Қипчоқдан Арабистон денгизигача бўлган ораликда улкан салтанат барпо этиб,

* История народов Узбекистана /Под ред. проф. С.Л.Толстого и др; Предисл А.Ю.Якубовского.-Т.1.Т.,1950.- С.153.

Буюк Ипак йўлининг карвон сўқмоқларини босқинчилар хужумидан муҳофаза қилган.

Соҳибқирон Амир Темур иқтидори билан Буюк Ипак йўлининг ёпилиб қолган карвон сўқмоқлари қайта тикланди. Натижада Мовароуннаҳрга турли мамлакатлардан сармоя ва мол оқиб кела бошлаган. Бунда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Ахсикент (ҳозирги Фарғона), Андижон ва бошқа шаҳарларидан чиққан савдогарлар фаол катнашганлар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ташқи савдони яхшилаши туфайли юртимиз савдогарларига Хитой, Ҳиндистон, Қрим, Кичик Осиё ва Шимолий Африканинг пойтахт шаҳарлари, портларини кўриш имкониятлари яратилган эди.

Соҳибқирон ўзи ҳукмронлик даврида имкон қадар ички ва ташқи савдога ҳам қулай шароит яратган. У савдо ва дипломатия муносабатларини кенгайтириш мақсадида карвон йўлларини ободонлаштирган. Манзиллар ва карвонсаройлар барпо этган. У пойтахтга ёки ҳарбий Ўрдуга кетаётган савдогар ва элчиларнинг бетўхтов юриши учун шароит яратилишини талаб қилган. Ана шу мақсадда карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик (аравакашлик) хизмати ҳарбий интизомга бўйсундирилган. Ҳар 30 чақирим масофада бир неча ём отлари билан ёмчи (аравакаш) туришига эришилган.

Бошқа мамлакатлардан карвон йўллари бўйлаб келган савдогарлар, фақат молларгина эмас, ўзлари бўлган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, яшаш шароити, турмуши, урф одатлари ва эътиқод қиладиган дини ҳақида хабарлар келтирадилар. Шунингдек, улар қўлёзма китоблар, қоғоз олиб келганлар, бошқа халқлардан эшитган ҳикоя, афсона ва ривоятларни сўзлаб берганлар. Соҳибқирон даврида савдо шу тарика маданият ва адабиётнинг ривожини анча кўтарган.

Амир Темур даврида халқаро муносабатлар, дипломатия ва ташқи савдо

Мунозара учун саволлар

1. Мовароуннаҳрни иқтисодий ва сиёсий ҳаёт марказига айлантиришга «Буюк Ипак йўли» нинг қандай алоқаси бор?

2. Амир Темурнинг «Буюк Ипак йўли» нинг ёпилиб қолган карвон сўқмоқларини тиклашдан мақсади нима эди?

3. Соҳибқирон даврида савдогар ва элчиларнинг юришлари учун қандай ишлар амалга оширилган?

4. Одамсиз йўлларда, чўллар, даштларда карвонсаройларни қурдиришдан кўзланган мақсад нима эди?

5. Мовароуннаҳрнинг қишлоқ ва шаҳарларидан Самарқанд бозорига келтирладиган ва муайян талабларга жавоб берадиган маҳсулотларнинг бир қисми чет эллик савдогарларга сотиши ва бошқа шаҳарларга жўнатиш учун мўлжалланар эди, улар қайси шаҳарлар бўлган?

6. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Испания билан Марказий Осиё ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида қилган ишлари нималардан иборат?

7. Самарқандда ўтказилган йиллик ярамаркаларга қайси мамлакатлардан товарлар келтирилган?

Соҳибқирон Амир Темур тузуклари

Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофиларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар таёрладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хўжан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа) у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда

яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

* * *

Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб мол-мулки ва бошқа нарсаларни манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа ҳар хил қор-қол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин.

* * *

Йўлларига кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

* * *

Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

* * *

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидан парча: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга

бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Амир Темури давридаги машхур шахслар ва Темурий шахзодаларнинг давр, Ипак йўли савдо алоқалари ҳақидаги фикрлари

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон хунармандлари ясаган маҳсулотларни айирбошлаш анчагина жонланган эди. Ҳиндистондан зар қўшиб тўқилган юпка оқ матолар, ишлаб чиқарилган жойига қараб ҳайдаробод, гужарот, банорас матолари деб аталувчи газмоллар, шунингдек шакар ва бўйёқлар олиб келинар эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Чин дилдан шуни Сиздан илтимос қиламизки, бизнинг савдогарларимиз Сизнинг мулкингизга шахсий хайрихоҳлигингиз остида кириб келсалар. Сизнинг савдогарларингизнинг бизнинг мулкка кириб келишидан биз ҳам манфаатдормиз.

Франция қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV хатларидан

Биз садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан элчи жўнатдик. Бундан кейин ҳам одамларни юбориб турамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истақларига тижорат ва касб қилсинлар.

Хитой императори

Шимолий даштлардан мўғул ҳукмронлиги тугатилди ва жанубга кўчган қуруқликдаги карвон савдоси рус давлатларига (князликларига) узоқ мамлакатлар билан савдо олиб бориши имкониятини берди.

Хильда Хукхэм

Амир Темур ўз салтанатида бошқарув ва савдо-сотиққа катта эътибор берди.

Керэн Люсьен

Амир Темур ўз пойтахтида савдо-сотиқни жуда яхши йўлга қўйиш учун шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача ўтувчи кўчалар очиш ва уларнинг ҳар икки четига дўконлар қуришни буюрди. Нархни кўтариб юборган савдогарлар жазоланган. Жазо турларидан бири Самарқанддан бадарға қилиш эди.

* * *

Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва Ғарбий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиши жараёнини жадаллаштирди. Бу ҳол, айниқса, ислом ислоҳиётининг ёйилишича ва ислом оламида ўзлаштирилган бир қатор санъат ва хунармандликнинг бойишига тааллуқлидир. XV асрда Самарқанд ва Ҳирот орқали ўтувчи савдо йўллари ҳам бу даврда савдо-сотиқ жараёнини жадаллаштирди.

Саид Жамолиддин

Хитой тарафдан ва давлат арбобларидан қутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, элчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват топса.

Темурий ҳукмдори
Шоҳрух

Темур Ўрта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига эътибор берди, ўзаро феодал низоларининг олдини олди, савдо-сотиқ, хунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқаларни кучайтирди, мамлакатни бошқариш учун «Қонунлар» («Темур тузуклари») яратди, армияни мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий бақувват

давлат системасини вужудга келтирди, буюк ва жасур саркарда, мохир давлат арбоби бўлиб танилди.

И.Мўминов

Президентимиз Ислоҳ Каримов «Буюк Ипак йўли» хақида

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган.

* * *

Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи беглилаб қўйган. Бу эса «Буюк Ипак йўли» қалбидаги Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этишни республика ташқи сиёсатининг стратегик истиқболи сифатида олға суриш имконини беради.

* * *

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шундай жуғрофий-сиёсий мавқени эгаллаб турибдики, азалдан ғарб билан шарқ айнаи шу ерда бир-бирига туташган. Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим қарвон йўллари, қадим замонлардан буён бизнинг диёримиздан ўтган. «Буюк Ипак йўли»ни эслаш кифоя, унинг анъаналари ҳозирги воқелигимизда қайтадан тикланмоқда.

* * *

Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадим замонларда «Буюк Ипак йўли» шу шаҳарлар орқали ўтган. Республика ҳудудида тўрт мингтадан кўпроқ монументал меъморчилик ёдгорликлари бор, уларнинг кўплари

ЮНЕСКО муҳофазасига олинди. Табиат-иқлим шароитлари саёҳатчиларни қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.

* * *

Ўзбекистон Евроосиёнинг Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи энг муҳим йўллар чорраҳасида жойлашган. Бу ҳол «Буюк Ипак йўли»га монанд Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини солишни узоқ муддатли истиқбол режаси сифатида олға суриш имконини беради. Республика товарлар, сармоя ва иш кучининг давлатлараро ҳаракати, иқтисодиёт, маданият ва сиёсат соҳаларида миллий манфаатларни яқинлаширишда ўзига хос минтақавий марказга айланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

* * *

Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Оврупога ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли, бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аجدодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғоврлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

* * *

Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади.

* * *

Ўзбекистон БМТнинг «Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш» дастурини рўёбга чиқаришда иштирок қилмоқда. Бу дастур доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг транзит транспорт оралиқ йўлларини вужудга келтириш соҳасида

биргаликда бажарадиган вазифалари ишлаб чиқилмоқда. Бу транспорт йўллари уларга денгиз бандаргоҳларига чиқишни таъминлайди ва қадимги савдо йўли - Буюк Ипак йўлининг тикланишига ёрдам беради.

* * *

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган «Буюк Ипак йўли»даги боғловчи марказий халқа Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғилладиган жой бўлган.

* * *

Шарқни Ғарб билан боғланган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган буюк Турон-Мовароуннаҳр заминида қадимда ўзга мамлакатлар вакиллари нафақат тижорат билан шуғулланар, балки илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асослари билан ҳам танишар эди.

* * *

Халқимиз тарихи ва маданияти қадимийдир. Бизнинг мамлакатимиз орқали, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғонага каби гўзал шаҳарлари орқали Буюк Ипак йўли ўтган. Бу йўл Осиё билан Европа ўртасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Ҳозир биз шу қадимий Ипак йўлини тиклаш ва уни замонавий мазмун билан тўлдириш учун бутун куч ғайратимизни сарфляпмиз.

* * *

Биз истиқболли, ўтмишнинг эзгу анъаналарини тикловчи ҳамда тинчлик ва инсоний мулоқотлар сари янги йўл очувчи «Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурини амалга оширишда бундан буён ҳам фаол иштирок этамиз. Шу муносабат билан мазкур дастурни янаги ўн йилликка узайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

* * *

Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар шаҳарларидан ўтадиган бу транспорт йўналиши Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойни транспорт коммуникациялари билан боғлабгина қолмай, тарихан шаклланган Буюк Ипак йўлининг ҳам узвий бир қисми ҳисобланади. У Европани улкан Тинч океани ва Жануби Шарқий Осиё минтақалари билан боғлайдиган энг яқин йўлдир.

* * *

Қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк Ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар мобайнида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

* * *

Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, хаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

* * *

Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

* * *

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган.

* * *

Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва

турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган.

* * *

Буюк Ипак йўли Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача чўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бўғин, Шарқ билан Ғарб, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган жой эди, Шарқ ва Ғарб маданиятлари бир-бири билан боғланган жой эди.

* * *

Гап Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақида борар экан, ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш учун ҳаётий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу йўл 2000 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлаган. Мазкур минтақада яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади.

* * *

Ипак йўлини тиклаш ғояси айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, балки, бу – ҳаётий заруратдир. Дунё тараққиёти талаблари шуни тақозо этмоқда.

«Буюк Ипак йўли» ҳақида хорижлик меҳмонлар

Хива ўзининг бой архитектура ёдгорликларига эга экан. Буни бизлар ўз кўзимиз билан кўрдик ва тўла ишонч ҳосил қилдик. Бу маданият ёдгорликлари билан қанча фахрланса арзийди.

Нажот Диёр Бекерли, мусулмон меъморчилиги бўйича туркиялик йирик олим, Истанбул университетининг профессори.

Экспедиция менга яхшигина қувончли воқеани бахш этди. Менинг 74 ёшли Ханифа исмли волидаи меҳрибоним бор. У киши асли Ўзбекистондан! Қўқон шаҳрида яшаган. Мен у кишининг илтимосига биноан Қўқон шаҳрида

бўлганимда онам яшаган уйни бориб топдим. Ўша эски ховлида Кимёхон деган аёл бизни қарши олди. Мен онамнинг киндик қони тўкилган азиз юртнинг рамзи сифатида ана шу ховлида ўсиб турган райҳонлардан эсдалик сифатида узиб олдим ва уни онамга албатта етказаман.

* * *

Мен «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро экспедициясида ҳақиқий олим ва инсон Малик Мурод ўғли билан танишганимни асло ёддан чиқармайман. Мен Малик Мурод ўғлини етук олимлиги, дилкаш инсонлиги сабаб севиб қолдим. У Қўқонда менга онам яшаган гўшани топиб, бир сиқим муборак тупроқдан олишимда беқиёс кўмаклашди. Юртимнинг шундай улуғ кишилари билан фахрланаман.

Шермуҳаммад Ҳовар-афғонистонлик
олим ва давлат арбоби.

Мен Фарғонада ватандошимни топдим. Бундан юз йил аввал Фарангистоннинг Вьен шаҳрилик Жовеф Наполеон Мартен Буюк Ипак йўлини тиклашга ҳаракат қилган экан. У Хитой, Шарқий Туркистон, Қашқар орқали Фарғона водийсига келади. 1892 йил май ойида касалликдан сўнг вафот этган ва европаликлар қабристонига дафн этилган экан. Келгуси йили унинг вафоитга бир аср тўлади.

Эв Эльбер Бедю – жураналист,
Фарангистон.

Хивага келиб ўзимни мўъжизалар мамлакатига кириб қолгандек ҳис этдим. Атроф қум-саҳролар билан ўралган масканда бундай гўзал шаҳар қад кўтаргани чиндан ҳам мўъжиза. Аждодларимиз истеъдодли беқиёс теран ва кенг камровли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бой ўтмишимиз ҳаққи-ҳурмати Хивани ҳар хил ёмон офатлардан ёмон кўзлардан омон асраб қолмоғимиз керак.

Хусайн Умар Утман – Марказий ва жануби-
шарқий Осиё бўйича тарихчи олим, чадлик
доктор.

Буюк Ипак йўли замонавий тарзда қайта тикланса
жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида яшаётган кишилар учун
қулайлик туғилар эди.

Нодир Давлат – Истанбул шаҳридаги
Мармара дорилфунунининг профессори

Амир Темур тарихда ўтган ҳар томонлама етук
шахслардандир. Ўз замонасининг энг фаол ва серқирра
фарзанди Амир Темур, бир томондан қайсар, жангари
хукмдор, даҳшатли саркарда, кўп қон тўкилишига сабабкор
фотиҳ, иккинчи томондан қадимий Буюк Ипак йўлига
янгича ҳаёт ато этган, унинг сўқмоқлари бўйлаб
бунёдкорликлар қилган, бебаҳо бинолар, карвонсаройлар
қурдирган, санъатни, меъморчиликни яхши кўрган
ардоқлаган сиру-асрорга бой инсон...

Аҳмад Ҳасан Дони – покстонлик
машҳур тарихчи, шарқшунос
олим, экспедициянинг Хорижий
мамлакат олимлари илмий раҳбари.

Мени, айниқса Хиванинг мўъжизавий меъморий
иншоотлари ҳайратга солди. Европада, Лотин Америкасида
маданий тараққиёт уйғотмаган, ҳатто инқлар маданияти ҳам
бўлмаган минг йиллар бурун бу ерда маданият гуллаб
яшнаган.

Майкл Белл – Канаданинг собиқ
ССЖИ даги элчиси.

Сафаримизга Тошкентдан қўшилган Малик Муродов
экспедициянинг дастлабки кунларидан бу соҳада етарли

илмга, тажриба ва малакага эга эканлиги, «Ипак йўли» тарихини яхши билиши билан бизга ёқиб қолди.

Дуду Дьен – ЮНЕСКОнинг халқаро экспедицияси координатори.

Буюк Ипак йўли экспедицияси сафарида мен ажойиб ўзбек олими, филология фанлари доктори Малик Муродов билан танишиб қолдим. У кишининг кўхна тарих саҳифаларини ўрганиш борасида амалга ошираётган ишлари ва ҳозирги пайтда олдимизга қўяётган долзарб масалалари диққатга сазовор. Мен сафар чоғида Хива, Урганч, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган анжуманларда фаол қатнашиб, илмий маърузалар қилдим. Биз Ипак йўлининг ўтмишида мавжуд қатор карвонсаройларини ҳар томонлама ўрганишимиз лозим. Ҳозирги пайда бундай карвонсаройлар қайта тикланса, турли мамлакатларнинг иқтисодиёти учун ҳам савобли ишлар бўлар эди.

Хумоюн – Эрондаги Қазвин санъат тарихи институтининг профессори.

Оламда шундай номлар борки, улар кишини ҳаёлга чўндиради, уларнинг сеҳри у номларни эшитганинг ёки ёзувини кўрганинг ҳамон дарҳол таъсир эта бошлайди. Ҳаёлот сари етаклайдиган номлар орасида тасаввуримизни ром этадиган бир ном бор, у ҳам бўлса Самарқанддир. Бу ном ёрқин, сержило, мушки анбар, ҳаёлот саройлар, карвонлар ғулғуласи, бокира сас ва англамаган ҳиссиётлар гирдобидан ҳосил бўлгандек гўё...

Федерико Майор ЮНЕСКОнинг
1987- 1999 йилларидан Бош
директори.

Юртдошларимиз ва қардошларимиз «Буюк Ипак йўли» хақида

Қадим замонларда менинг ватанимда Ўрта Осиёдан улуғ Ипак йўли – Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта денгиз соҳилларига борадиган ипак қарвонлари йўли ўтган эди. Бу фақатгина савдо йўли бўлиб қолмаган эди. Бу Шарқ поэзияси ва философияси билими ва тажрибасини ўша вақтда дунёга тарқатган йўл эди.

* * *

Мустамлакачилар: бу йўлни мангуга бузиб ташладик, деб ўйлаган эдилар. Бироқ бугунги тарихий кунларимизда бу йўл барча халқлар ўртасидаги маданий алоқалар йўли сифатида, дўстлик ва тинчлик йўли сифатида, жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо хиссалар қўшган ва Шарқ маданиятининг қайтадан туғилиши ва гуллаб-яшнаш йўли сифатида янгидан очилди.

Ғафур Ғулом

«Буюк Ипак йўли» нинг қадимий вориси бўлган Ўзбекистоннинг «Буюк Ипак йўли» доирасида фаол қатнашиши натижасида ХХІ аср иқтисодий мақсадларимизни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилади.

М.Ўрмонов

* * *

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар тер тўкиб вояга етказган гўзал ўлкасини чин қалбдан севиб ва уни ўз ижодида дoston қилиб, куйлаб келмоқда. Бундай афсонавий ўлкани Буюк Ипак йўли чорраҳасида юксак маданият яратган қадимий давлат, ноёб санъат, улуғ сиймолар ва саркардалар Ватани бўлиб жаҳонга танилиши табиийдир.

И.Жабборов

Хизмат юзасидан жуда кўп юртларда, музафатларда бўлишга тўғри келади. Сизлар қураётган йўл жуда асқотади.

Биз ҳам катта харажатлар эвазига қўшни давлатлардан юк олиб келишга мажбурмиз, йўл битгач, ўша харажатлар кескин озаяди – узоғимиз яқин бўлади.

Ю.Тешабоев қирғиз биродаримиз

Сизларга ҳавасланамиз, озмунча пул кетадими бундай улкан қурилишга. Раҳмат, кам бўлманглар. Йўл сабаб олис овулларимиз, қишлоқларимизнинг бир қисми ободлашадиган бўлди. Кўплаб туғонларимиз ишли бўлади, энди муҳими, бу йўл икки миллатни бир-бирига янаям жипслаштиради. Илоҳим яхшиликка хизмат қилсин.

М.Абдурахмонов ўшлик
меҳнат фахрийси.

Карвонсаройлар тарихига бир назар

Ипак йўли қадимги ва ўрта асрларда аввало даштлар, чўллар, водий-воҳалар, кейинчалик эса денгизу-океанлар орқали ўтиб, йирик маданиятнинг ташкил топиши ва бойиб боришига, халқлар ўртасида алоқалар ўрнатилишига ўз хиссасини қўшган.

Ипак йўли, бошқача айтганда, буюк карвон йўли дастлаб Хитойдан то Ўрта ер денгизи атрофидаги шаҳарларгача Ўрта Осиё орқали ўтган бўлса, кейинчалик шарққа томон Япониягача, жанубга томон Араб ва Осиё мамлакатларигача, шимолга томон эса Россияга кенгайиб борган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Ўрта Осиё чорраха вазифасини ўтайди ва тўрт томондан келадиган карвонлар у орқали ўтади.

Бу карвонлар асосан тижорат моллари: ипак, чой, чинни ва бошқа товарлар савдо-сотиқ билан шуғулланар, мамлакатлар ўртасида товар алмашишига, алоқалар ўрнатилишига асос солган карвон йўлининг «Буюк Ипак йўли» деб аталишининг боиси, Хитой ипагининг жаҳонга машҳурлиги ва унинг асосий товар бўлганидир.

«Буюк Ипак йўли» шаҳарлари ва карвонсаройларнинг тарихига назар ташлар эканмиз, махсус адабиётларда келтирилган далилларга қараганда, карвон йўлларидаги йирик шаҳарлар, карвонсаройлардаги савдо-сотик жараёнида кўплаб ипак, шойи, чинни буюмлар, кўзгу, зеб-зийнатлар, рангли буюмлар, қимматбаҳо тошлар, гилам, сўзана, зотли от, туя, қандолат, туз, шифобахш ўсимликлар каби хилма-хил маҳсулотлар айирбошланганлигини кўрамиз.

«Карвонсарой» – карвонлар тўхтаб, тунаб ўтадиган работ, сарой. Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Закавказье шаҳарлари савдо йўлида барпо этилган. Карвонсаройлар, одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир-икки қаватли хужралар билан ўралган, минорали қалъабанд истехком шаклида бўлиб, савдо манзилларида ва шаҳардаги бозор (тим, тоқ)лар каторига қурилган. IX-XVIII асрларда шаҳарларнинг ўсиши ва карвон савдосининг кучайиши натижасида карвонсаройлар, кўплаб бунёд этилган. Араб сайёҳлари Истахрий ва ибн Хавқалларнинг маълумотига кўра X асрда савдо маркази ҳисобланган Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ карвонсаройлар бўлган.*

Шаҳар карвонсаройлари меҳмонхона, савдо-сотик маркази ва бошқа вазифаларни бажарган. Ўрта Осиёнинг савдо ва маданият марказлари ҳисобланган Термиз, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва бошқа шаҳарларида карвонсаройлар кўплаб қурилган.

Жумладан, IX-X асрдаги Бухоро воҳаси карвонсаройлари ва работлари Пойканддаги бинога қараб хулоса қилинадиган бўлса, тўрт бурчагида қалъа-минораси бўлган, кенг ҳовлига олиб чиқувчи пештоқли кўзга алоҳида

* Карвонсарой //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо-Кониғил. /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.: -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.425.

ташланиб турган квадрат шаклидаги бинодан иборат бўлган. Илк мусулмонлик даврида Пойкандда мингдан зиёд работ бўлганлиги ҳақида маълумот бор.**

Марказий Осиёнинг IX-XII асрларидаги барча карвонсаройлари хом ғиштдан қурилган бўлиб, баъзан (XI – асрдан бошлаб) пишиқ ғишт билан қопланган.

Баъзи иншоотларда уй-жой ва ёрдамчи хоналарга эга бўлган алоҳида ҳовлилари бўлган. Жумладан: XI асрга оид Марв ва Омул йўлидаги Ахча қалъа (Туркменистон) карвонсаройида биринчи ҳовлида юк, ем-хашак ва от-улов жойлашган, иккинчи ҳовлининг атрофи турар жой ва жамоат мақсадида хизмат қилувчи хоналар билан ўралган.***

«Доя хотин» карвонсаройи Туркменистондаги XII асрга оид меъморий ёдгорлик қадимги Амул (Чоржўй)дан Хоразмга борадиган карвон йўли (Амударёнинг чап қирғоғи)да жойлашган.(айрим манбаларда XI аср деб берилган) Маҳаллий аҳоли ўртасида Бой хотин карвонсаройи номи билан ҳам маълум (афсонага кўра машҳур бир бой хотин қурдирган). Бинонинг тарҳи тўғри тўртбурчак (112x125м) ташқи бурчаклари бурж-минорали бўлиб, тўғри тўртбурчакли кўрғон ўртасида қурилган. Карвонсарой ўртасида атрофи тоқили айвонлар билан ўралган катта ҳовли (53x53м) бўлган. Унда йўловчилар учун хужралар, от-уловга эса чўзинчоқ хоналар қурилиб, тепаси балхи гумбаз билан беркитилган. Ҳовлининг ҳар тарафи ўртасида пештоқи айвон ва чорси хона, ҳамда молхона ва хужраларга равоқлар орқали қирилган. Деворларнинг ташқи ва ички томони пишиқ ғиштдан, ораси эса хом ғиштдан терилган. «Доя хотин» нинг олд (шимол шарқ) томони улкан, гўзал пештоқ билан безатилган, ғиштлири бўйлама ва

** Архитектурное наследство: Сборник /Под.ред.О.Х.Халпахчьяна.- Вып.31.-Москва: Стройиз-дат,1983.- С.133.

*** Архитектурное наследство: Сборник /Под.ред.О.Х.Халпахчьяна.- Вып.31.-Москва: Стройиз-дат,1985.- С.134-135.

кўндаланг («арча» усулда) теришиб, Куфий хатида тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Ал, Усмон) нинг номи ёзилган. «Доя хотин» карвонсаройи Буюк Ипак йўлидаги йирик жамоат савдо-сотиқ иншооти сифатида Ўрта Осиё меъморлиги санъатини ўзида мужассам этган ноёб намуна.*

«Доя хотин» карвонсаройи XVI асргача ўз фаолиятини давом эттирган. 1984 йилги Газли зилзиласи натижасида бу карвонсаройнинг яхши сақланиб қолган қисмлари ҳам кулаб тушган.

XI асрда Бухородан Самарқандга кетаверишда Кармана шаҳри яқинида бунёд этилган «Работи Малик» - йирик карвонсаройлардан биридир. У икки қисмдан иборат бўлган. Кираверишдаги жанубий қисми Марказий йўлак ва қўшқовлики бўлиб, хўжалик ишлари учун, ичкаридаги қисми эса йўловчиларнинг яшашига мўлжалланган. Шарқий қисмининг ўртасида марказий куббали хашаматли сарой бўлган. Бинонинг бурчакларидан чиққан думалок буржларидан бири қаносли минора бўлган. Карвонсаройнинг сақланиб қолган ёлғиз қисми пештоқининг беағи – ғоят ажойибдир. Пештоқ саҳна мусамман билан тўлдирилган, равноқининг хошияси нақшинкор террак отадан иборат битик лавҳалар билан безатилган.

Манбаларда ёзилишича, бу карвонсарой 1069-70 йилларда Қорашохийлар сулоласига мансуб Бухоро хукмдори Малик Шамсулмулк даврида қурилган. Унинг яна бир номи «Шоҳи работ» дир. Европалик сайёҳ ва ўлкашунос А.Лемон 1841 йилда «Работи Малик»да бўлиб, карвонсаройни аниқ ва тўлиқ тасвирлашга ҳаракат қилган. Машҳур сайёҳ Ҳ.Вамбери ҳам «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китобида «Работи Малик»ка алоҳида таъриф берган.

* Доя хотин карвонсаройи //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд. Гидрофилия - Зебралар /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.- Б.335-336.

Термизда У.В. Рахмонов, Ш.Р. Пидаевларнинг берган маълумотларига кўра, XI-XII аср бошларида шаҳарнинг савдо-хунармандчилик марказлари асосан рабод худудида жамланган. Улар кўпроқ шаҳристонга шарқ ва шимоли-шарқ томондан ёндошган участкаларни банд қилишган. Рабоднинг шимоли-ғарбий бурчагида, шаҳристон даврвозалари ёнидаги катта майдонда бозор бўлган. Рабод худудида камида 10 карвонсарой бўлиб, кўпчилиги магистрал йўл ёқасида ёки улардан узоқ бўлмаган ерда жойлашган, айримлари эса рабоднинг марказий қисмида бўлган. Шундай карвонсаройдан бирининг тарҳи тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида бўлиб, шарқдан ғарбга қараб чўзилган, томонлари 60,5x46 метр бўлган.

Маълумотларга кўра, бу карвонсарой савдо дўконлари билан жами 41 хонани ўз ичига олган. Ушбу карвонсарой XI асрнинг биринчи ярмида қурилган, деб ҳисобланади ва у XIII аср бошига қадар обод бўлган. Термиздаги бошқа карвонсаройлар ҳам шунга ўхшаш меъморий-лойиҳа мужассамотига эга бўлган. Рабод худудида карвонсаройларнинг кўплигини Термизнинг иқтисодий ҳаётида карвон савдосини салмоғи катта бўлганига йўйиш мумкинки, ёзма манбалар маълумотлари ҳам бу ҳолатнинг гувоҳидир. Бундай далилларни Ибн Ҳавқал ўз асарида Термизда катта даромад келтирадиган ҳашаматли рабодлар (карвонсаройлар) мавжудлигини қайд этган. Бу карвонсаройдан шарқда кулоллар маҳалласи бўлган, бу ердаги усталар сирланмаган серҳашам сополлар жумладан қолипда турли шакл ва ҳажмдаги, нақш чизилган ҳашамдор идиш ва кўзалар тайёрланган.

Г.А.Пугаченкова қайд этгандек, карвонсарой меъморчилиги ва тарихий мужассамотида муғуллардан аввалги даврлардаёқ ишлаб чиқилган эски ҳажмий-тарихий ечимларга риоя қилинган. Карвонсаройлар асосини кесик тўғри тўрт бурчак ҳовли ташкил қилади.

Шахрисабздаги «Қоба» карвонсаройи XVI асрдаги бу тоифа меъморчиликнинг ягона ёдгорлигидир. Шаҳардаги бошқа карвонсаройлар сақланиб қолмаган.

«Қоба» карвонсаройи бир ҳовлили, бир каватли иншоот бўлиб, хоналар ҳовли атрофида жойлашган. XVI асрда барпо этилган. Қобанинг меъморий қиёфаси, Самарқанд ва Бухородаги шу каби иншоотлардан фарқ қилган ҳолда, бирмунча сипо. Кириш пештоқи анъанавий равишда Шахрисабз эски шаҳар қисмида тарихан юзага келган катта йўлга қараган. Ҳовлиси кесик бурчакли квадрат шаклга яқин. Хужралари учли гумбазлар билан ёпилган.

Ташқи безаги йўқлиги, девори қалинлиги, ҳовли бурчаклари кесиклиги карвонсарой чиндан ҳам XVI асрда қурилган, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Туб аҳолининг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган гапларига қараганда, бу карвонсаройда ўз вақтида турли мамлакатлар, шу жумладан Ҳиндистондан келган савдогарлар ҳам кўниб ўтишган.

«Қоба» номининг келиб чиқиши тўғрисида бир неча тахмин бор. Масалан, бир тахминда бу «Қубба» сўзининг маҳаллий аҳоли тилидаги талаффузи дейилса, бошқасида гўёки уни арабларнинг Куфа шаҳридан келган усталар курганлиги учун «Куфа» сўзининг бузилган шакли дейилади.*

XIX асрнинг 30-йилларида Хива хони Оллоқулихон буйруғи билан карвонсарой қурилган. Карвонлар бу ерга турли мамлакатлардан жуда кўп маҳсулотлар олиб келган. Карвонсарой тарҳи оддий ва қулай. Бу тўғри бурчакли, бир текис иморат бўлиб, ҳовлиси бор. Кўндалангига икки каватли куббали хужралар жойлашган. Киравериш анъанавий тарзда пештоқ билан ажратилган. Ҳовлининг марказий қисми пастроқ, бу хайвонлар устида юкни тушириб олишни осонлаштиради. Бу ерда савдогарлар

* Минг йиллар мероси /Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Илмий муҳаррирлар: Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев.-Т.:Шарқ, 2002.-Б.123-124.

тўхтаб, юкларни омборларда сақлаганлар, ёнгинасидаги тимларда савдо қилганлар.

Карвонсаройнинг жанубга қараган асосий томонига туташтириб Оллоқулихон тими қурилган. Ҳозир карвонсарой билан тим яхлит мажмуа сифатида кўзга ташланади. Усти берк бозор кўп гумбазли, узунасига ғарбдан-шарққа қараб йўналган. Марказида катта хона бўлиб, ундан карвонсаройга ўтилади. Савдо ён томонидаги расталарда олиб борилган. Бу ерда Хитой, Россия, Англия ва Бухоро хонлигидан келтирилган молларни сотиб олиш мумкин бўлган.**

XIX асрнинг ўрталарида хонликнинг бош савдо шахри Бухородаги 60 га яқин карвонсаройлар ва ўнлаб бозорларга Россия, Ҳиндистон, Қошғар, Эрон ва Афғонистондан ҳар йили 15 минг туяда турли моллар келтирилган.

Ташқи савдонинг равнақи хонлик хазинасига катта даромад келтириши боис, Бухорода ҳинд, афғон ва бошқа ўлка савдогарларининг молларидан бож моллар сотиб бўлингандан кейин олинган.

Бухоро, Қарши, Самарқанд каби шаҳарларда афғон савдогарларининг айримлари уй-жой қуриб, турғун яшаб қолганлар. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи чорагида 40 минг тилла ёки 160 минг сўмлик сармоя эгаси бўлган Бадриддин исмли афғон савдогари Бухоро шаҳрида «Саройи Бадриддин», XIX асрнинг иккинчи ярмида Рашид исмли бошқа бир афғон савдогари «Саройи Рашид» деб аталувчи хусусий карвонсаройларни барпо этганлар.

1888 йилда Бухоро хонлиги билан савдо қилувчи афғон савдогарлари биргина Бухоро шаҳрида 12 та карвонсаройни эгаллаганлар. Улар Пешовар-Қобул-Бухоро карвон йўлидан фойдаланиб, Бухоро бозорларига чой, доқа, нил бўёғи, банорас кимхоби, чит, доривор гиёҳлар каби

** Хива минг гумбаз шахри /Маъсул муҳаррир: А.Азизхўжаев. Илмий муҳаррирлар: Э.Ртвеладзе, Н.Ҳабибуллаев.-Т.:Шарқ.-1997.-Б.73.

хитой, ҳинд, инглиз молларини етказиб берувчи асосий таъминотчилар бўлишган.

Манбаларда берилишича, Тошкентда 45 дан кўпроқ карвонсаройлар бўлган, уларда турли мамалакатлардан келган савдогарлар яшаганлар. Масалан: Саид Ғози Нурмуҳаммад Қушбеги, Бегларбеги каби карвонсаройлар бўлган. Булар сотиладиган молнинг хилига, савдогарларнинг миллатига қараб номланган.

Ҳозиргача Урганч-Волга бўйи савдо йўлидаги Белоевли карвонсаройи, Марв-Хоразм савдо йўлида жойлашган Ақча қалъа карвонсаройи, Кўҳна Урганч шаҳридаги Жоме масжидининг минораси ҳамда карвонсарой қолдиқлари сақланиб келинмоқда.

«Буюк Ипак йўли»нинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон, Андижон сингари шаҳарларининг маҳаллий-миллий меъморчилик услубида мавжуд карвонсаройларини яхшилаш, хунармандчилик, кулолчилик дўконларини куриш, савдо-сотик расталарини янгидан куриш каби ишларни тиклаш лозимдир.

Кейинги йилларда «Буюк Ипак йўли» бўйлаб савдо-сотикни тиклаш ўзаро фойдали халқаро алоқаларни вужудга келтириш ва ривожлантириш, республика ҳудудидаги 4000 дан ортиқ археологик ва архитектура ёдгорликлари билан танишиш имконияти яратилди.

Ўтказилган экспедициялар, илмий конференциялар, меъморий обидаларнинг қайта таъмирланиши, яратилган бир қанча илмий нашрлар фикримизнинг далилидир.

Мавжуд рисоалар ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Кутубхоналарнинг вазифаси «Буюк Ипак йўли» шаҳарларига тааллуқли бўлган тарихий-жўғрофик рисоаларни, ноёб обидалар тарихига ва карвонсаройларга бағишлаб ёзилган китоблар, шартли тасвир-хариталарни, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Фарғона ва бошқа шаҳарлар тарихи ақс этган рисоалар ва

юқоридаги шаҳарларнинг тарихий-маданий ёдгорликлари акс эттирилган фото альбомларини, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида яратилган «Работи Малик» карвонсаройи ва бошқа тарихий-маданий ёдгорликларининг ранг-безакли рисоалари нашрларини, экспедиция ва халқаро конференция материалларини чуқур ўрганиб, китобхонлар орасида тарғиб ва ташвиқот қилиш, нодир ва ноёб мерос чашмаларини келажак авлодларга етказишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналарга ёрдам бериш мақсадида китобхоналар билан ишлашнинг айрим шаклларида намуналар келтирамиз.

«Буюк Ипак йўли» даги работ ва карвонсаройлар мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик, инсоний алоқалар ва албатта – халқаро алоқалар: иқтисодий-алмашув, хунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк Ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

И.Каримов

Ушбу мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Конференцияга тайёргарлик ишлари 1-2 ой олдин бошланади. Бунинг учун кутубхонага, ташкилот, жамоа, уюшма, муассасаларга мактаб, коллеж, лицей, Олий ўқув юртларига, маҳаллаларга эълон ёзилиши ва иштирок этувчи китобхонларга таклифномлар юборилади. Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение орқали ўтказиладиган

конференция тўғрисида хабар бериш, унда кўпчиликнинг иштирок этишини таъминлайди.

Мавзунинг моҳиятига қараб китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Китоб кўргазмасидаги адабиётлардан обзор ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Конференция ўтказиладиган жойга «Буюк Ипак йўли» харитасини қўйиш мумкин. Мавзу ҳақида китобхонлар билан яқка тартибда ёки гуруҳ тарзида суҳбатлар ўтказилади шунингдек, улардан конференция пайтида фаол иштирок этишлари, мавзу ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарларининг юбилейларига бағишлаб ишланган видеофильмлар ва бошқа бир неча шаҳарларнинг тарихий обидалари, меъморчилик ва ҳунармандчилик, кулолчилик санъати бўйича яратилган видеофильмлардан фойдаланиш мумкин. Ленталарга ёзилган тасвирлардан парчалар кўрсатилса конференция янада қизиқарли ўтади. Яна «Буюк Ипак йўли» мавзусида ёзилган шеърлардан парчалар ўқиш конференция катнашувчиларида катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Конференцияни янада қизиқарли ўтиши учун ЮНЕСКО халқларо экспедициясининг Ўзбекистондаги катнашчиларидан айримларини, файласуф, сиёсатшунос, тарихчи, археолог, этнограф, мусаввир, иқтисодчи, меъмор, тилшунос, санъатшунос, адабиётшунос олимларни таклиф қилиш мумкин.

Мавзу муҳокамаси учун тахминий саволлар

1. «Буюк Ипак йўли»даги қайси карвонсаройнинг тарихини биласиз?

2. «Буюк Ипак йўли» даги қайси карвонсаройда бўлгансиз ва унинг безатилиши тўғрисида сизнинг фикрингиз?

3. Қайси саркарда ўз даврида карвонсаройлар қурилишига катта аҳамият берган?

4. Шаҳрисабздаги карвонсаройлар ҳақида сизнинг фикрингиз?
5. «Буюк Ипак йўли» даги карвонсаройларнинг вазифаси нималардан иборат бўлган?
6. Оллоқулихон карвонсаройида қайси мамлакатлардан келтирилган молларни сотиб олиш мумкин бўлган?
7. Қайси карвонсаройга бағишлаб ранг-безакли рисола нашр этилган?
8. Шаҳарларнинг қайси бирида хусусий карвонсаройлар барпо этилган?
9. «Буюк Ипак йўли»даги работ ва карвонсаройларнинг тузилиши, қурилиши ҳақида нималар биласиз?

«Буюк Ипак йўли» тарихи ва ҳозирги даврини биласизми?

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни «Буюк Ипак йўли» ва у ҳақида ёзилган асарларни, ўтказилган экспедицияларга доир нашр этилган асарларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан ишчилар, мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, талабалар, магистрлар ва аспирантлар, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлардан айримларини танлаб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини «Буюк Ипак йўли» га оид асарлар, қонун ва фармонлар, халқаро анжуманларга

оид нашрлар, «Буюк Ипак йўли» ҳақида ёзилган тарихий ва бадиий асарлар, Ипак йўли тўғрисидаги афсоналар, ривоятларга қаратиш лозим.

Беллашув ўтказиладиган жойда китоб кўргазмасини тайёрлашни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини аниқлаб оладилар.

1. Буюк Ипак йўлининг очлиши қайси йилларга тўғри келади ва кимнинг номи билан боғлиқ?

(Буюк Ипак йўлининг очилиши (эр.ав.138й.) машҳур Хитой сайёҳи, дипломат, сарой қўриқчилари зобити Чжон Цян ва император Ву-Дининг номи билан боғлиқ).

2. Буюк Ипак йўли фанга қачон ва ким томонидан кириб келган?

(1877 йили машҳур немис олими Рихтгофен Фердинанд Пауль Вильгельм ўзининг «Хитой» номли йирик илмий асарида улкан Евроосиё материгининг турли қисмларини боғловчи йўллар тизимини «Ипак йўли» деб атаган, кейинчалик «Буюк Ипак йўли» атамаси қабул қилинган).

3. Қайси мамлакатда «Буюк Ипак йўли» энциклопедияси нашр этилган?

(Японияда «Буюк Ипак йўли» энциклопедияси нашр этилган).

4. «Ипак йўли» нинг бошланиш нуқтаси қаердан бошланган?

(Қадимги Хитойдаги Сиан шаҳри (Шэнси вилояти) «Ипак йўли» нинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади).

5. Ипак йўли Ланчжоу орқали Дунхуанга келади ва шу ерда иккига ажралади, булар қайсилар?

(1. «Ипак йўли» нинг жануби-ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси орқали Хотанга, ундан Ёркентга келиб, Помир тоғининг далалари орқали Вахонга, ундан

Бактриянинг бош шаҳри Зарияспга (Балх) келган. Балхда йўл яна уч тармоққа ажаралади, ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқанда қараб кетади.

2. «Ипак йўли» нинг шимолий-ғарбий тармоғи эса Дунхуандан Бами, Кучи, Турфан орқали Тарим воҳасига – Қашғарга боради. У ердан Тошқўрғон орқали Ўзган, Ўш, Кува, Ахсикент, Попга, ундан Ашт дашти орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Самарқандда Наутак йўли билан бирлашади. Йўл Самарқанддан ғарбга-Добусияга, Малик чўли орқали Бухоро ва Ромитанган, ундан Варахша орқали Бойкент ва Фаробга бориб Амуль шаҳрига ўтади. Амулда Марвдан Урганч томон Аму бўйлаб кетаётган йўлга кўшилган).

6. Марвда маҳаллий дин-зардуштийлик, будда, христианликнинг мавжудлигига сабаб нима?

(Қадимда Марв шаҳри ўзининг қадимий анъаналари ва турли йўналишидаги қарвон йўллари туташадиган географик қулайликларига кўра ипак йўлидаги энг катта шаҳар эди. Шунинг учун ҳам Марвда маҳаллий дин-зардуштийлик ибодат хоналаридан ташқари Ҳиндистоннинг будда, Византия христиан оламининг таянчлари бор эди).

7. Шарқ ва ғарб мамлакатлари «Буюк Ипак йўли» орқали қандай ишларни амалга оширганлар?

(«Буюк Ипак йўли» орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатлари савдо ва элчилик алоқалари қилганлар. Масалан, Хитой ҳукмдорлари ўз элчиларини катта совғасаломлар билан Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия ва Кичик Осиё давлатларига юборганлар. Маълумотларга кўра Хитой сайёҳи Ган Ин 97 йилда Форс кўлтиғига бориб етганлиги хабар қилинади).

8. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврларида «Буюк Ипак йўли» қандай бўлган?

(Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврларида савдони янада ривожлантириш

мақсадида карвон йўллари яхши сақлашга катта эътибор берилган. Карвон йўллари, яъни мамлакат ҳудудидан ўтган «Буюк Ипак йўли» салтанатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг асосий қон томири ҳисобланган).

9. Ҳазрат Амир Темур салтанатида элчи лавозимида ишлаган қайси шахс Хуросон шаҳарларидан сотилаётган молларнинг бозор нархларини билишга қизиққан?

(Ҳазрат Амир Темур салтанатида Испания элчиси лавозимини ўтаган Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида ёзишича, у элчи дипломат вазифасини бажарибгина қолмай, Мовароуннаҳр, Хуросон шаҳарларида сотилаётган молларнинг бозор нархларини билишга, Ғарбда хусусан Испаниядан келтирилган молларга маҳаллий савдогарларнинг қизиқишларини аниқлашга ҳам интиланган).

10. Ким томонидан Ўрта Осиё чўлларининг илк харитаси яратилган?

(1895 йилнинг охирида швед географи Свен Хедин Ўрта Осиё чўлларининг илк харитасини яратган).

11. «Буюк Ипак йўли» нинг биринчи археологи ким ва у қайси давлатларда тадқиқотлар олиб борган?

(«Буюк Ипак йўли» нинг биринчи археологи Аурел Стейн (1862-1943) асли венгер бўлиб, инглиз археологи шарқшуноси ва географи сифатида ном қозонган. У Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Шарқий Хитой, Ироқ ва бошқа давлатларда кўплаб тадқиқотлар олиб борган).

12. Қайси шахслар томонидан қайси экспедицияни ташкил қилиш учун маблағ ажратилишига эришилди?

(Аурел Стейн швед географи Свен Хедин билан Такламакондаги «чўккан» шаҳарларида бирга бўлган. Такламакон ва Тарим хавзаси топилмалари ҳақидаги маълумот қизиқтириб қолади ва кейинчалик Свен Хедин билан бўлган саёҳатидан сўнг Ипак йўли бўйлаб илк

қадимшунослик экспедициясини ташкил қилиш учун маблағ ажратилишига эришади).

13. Аурел Стейнни дунёга танитган тадқиқот қайсилар?

(У 1900 йилнинг баҳорида кўҳна карвон йўли бўйлаб йўлга тушади. Хўтандаги (Ипак йўлининг жанубий қисми) кашфиёти, Турфон ва Лоуландаги тадқиқотлари Стейнни илм аҳлига танитган бўлса, Дуньхуанни кашф этиши (1906-1909) унинг номини бутун оламга машҳур қилди).

14. Ким томонидан, қачон Шарқий Туркистонга экспедиция ташкил қилинади?

(Аурел Стейннинг кашфиётидан сўнг Буюк Ипак йўлига қизиқиш кучайиб, 1906 йили машҳур француз хитойшуноси Поль Пеллио (1878-1945) бошчилигида илмий экспедиция Шарқий Туркистонга йўл олади. Экспедиция Куча шаҳри ғарбида қозиш ишлари олиб боради. П.Пеллио кўлга киритилган топилмалар асосида даосизм, буддизм ва Хитойга четдан келган динлар (несторианлик, монихейлик, маздаизм) тарихига, Чиннинг ғарб билан биринчи денгиз алоқаларига оид илмий ишлар ёзади).

15. Ушбу мисраларнинг муаллифи ким ва уни ким таржима қилган?

Уятдир кетмаклик ҳеч чалишмасдан,
Ноғора чалинди* юк танғилмасдан
Сен ширин уйқуда, карвон йўлда,
Сен-чи, аро йўлда қолган пиёда.

(* Қадимда карвон йўлга чиқиши сафарчиларга ноғора чалиб маълум қилинар эди. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асаридан Ғафур Ғулом таржимаси).

16. Бухородаги қайси шаҳар Буюк Ипак йўлида жойлашган ва қайси тарихчининг асарида бу ҳақда кенг ва аниқ маълумолар берилган?

(Бухородаги Кармана шаҳри Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлиб, азалдан савдо, маданият ва маърифат

ривожланган йирик тарихий масканлардан бири бўлган. Бу ҳақида машҳур тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида кенг ва аниқ маълумотлар берилган).

17. Буюк Ипак йўлидаги карвонсаройларнинг қайси бири тўғрисида кўпроқ маълумотга эгасиз?

(«Работи Малик» карвонсаройи «Буюк Ипак йўли» нинг машҳур бекатларидан бири бўлган. Бу обида Шарқ-Ғарбни боғлаб турган тарихий жой бўлганлиги билан диққатга сазовордир. Манбаларда ёзилишича, «Работи Малик» карвонсаройи тахминан 1069-70 йилларда Қорахонийлар сулоласига мансуб Бухоро ҳукмдори Малик Шомсулмул даврида қурилган. Овруполик сайёҳ ва ўлкашунос А.Лемон 1841 йилда «Работи Малик» да бўлиб, карвонсаройни аниқ ва тўлиқ тасвирлашга ҳаракат қилган. Машҳур сайёҳ Ҳ.Вамбери ҳам «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китобида «Работи Малик» га алоҳида таъриф берган).

18. Қуйидаги мисралар қайси шеърдан олинган, имкон бўлса шеърнинг юзага келиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

Боғларинда булбуллар,
Ака, мана Ғиждувон баред.
Қирқ кокила сумбуллар,
Ака, мана Ғиждувон баред.
* * *

Сўзим бўлсин мақбуллар,
Ака, мана Ғиждувон баред.
Ипак йўлинда ялпиз,
Ака, мана Ғиждувон баред.

(Юқоридаги мисралар «Ака, мана Ғиждувон Баред» мавзусида ёзилган шеърдан олинган. Ипак йўли қадимда кўпгина халқларнинг савдо тижорат йўлини ташкил қилган. Бу йўлда халқимиз ойлаб, йиллаб йўл кезиб ҳаёт бардавомлигини таъминлаб келишган. Шу мақсадда бу манзиллар бўйлаб сафарга чиққанларнинг изида эса қора кўзлар - опа-сингиллар, севиқли ёр, фарзандлар интиқ

кутишган. Бу ҳолат кишиларимиз тилларида шундан ифода топган. Юрак туйғулари қаламга олинган).

19. Халқ оғзаки ижодларидан намуналар келтиринг.

(Халқ оғзаки ижодларидан қуйидаги «Дукур-дукур от келди» номли шеърдан парча)

Дукур-дукур от келди,
Йўлга қаранг ким келди.
Тулпорини елдириб,
Хуржунини тўлдириб,
Савдогар акам келди,
Савдогар акам келди.

* * *

Дукур-дукур от келди,
Йўлга қаранг ким келди.
Элимни айлаб шодон,
Унга мафтун бир жонон
Савдогар акам келди,
Савдогар акам келди.

20. «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастури қачон ва қаерда қабул қилинди?

(1987 йил ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТ нинг умумжаҳон декадаси доирасида «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилди).

21. «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурининг мақсади нима ва бу тўғрисида сизнинг шахсий фикрингиз?

(Ушбу дастур Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихларини кенг қамровда тадқиқ этишни назарда тутди. Унинг асосий мақсади – Шарқ билан Ғарб ўртасида янада мустаҳкамроқ маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ушбу буюк қитъаларда яшовчи кўп сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашдан иборат).

22. Мустақиллик йилларда қаламга олинган шеърларда «Буюк Ипак йўли» тилга олинган шеърлардан намуна келтиринг ва муаллифини айтинг.

(Н.Нарзуллаевнинг «Оқсаройнинг чироғи» шеърдан парча:

Буюк Ипак йўллари аро,
Карвон топгай насибасини.
Иймон борки-мунаввар дунё,
Тангри берар мартабасини).

23. Ўзбекистонда «Буюк Ипак йўли» ни тиклашга қандай эътибор қаратилган ва қандай фармон қабул қилинган?

(Ўзбекистонда ҳам «Буюк Ипак йўли» ни тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони эълон қилинди).

24. Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича 1998 йилда қаерда халқаро конференция бўлиб ўтди ва унга неча мамлакатдан вакиллар қатнашган?

(1998 йилнинг сентябрида Озарбайжон пойтахти Бокуда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Республикамиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Конференцияда жаҳоннинг 32 мамлакатидан, шунингдек, 10 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар).

25. Ўрта денгиз ва Мисргача халқаро савдо йўли қайси даврга тўғри келади?

(Халқаро савдо йўли нафақат Мовароуннаҳр билан Хитой оралиғида, балки ғарбга ҳам давом этиб, жанубий йўналиш орқали то Ўрта денгиз ва Мисргача етиб борган. Савдо карвонларининг ана шу кейинги йўналишидаги

катнови Амир Темурнинг етти йиллик (1399-1404) ғарбий юришдан сўнг йўлга қўйилган).

26. «Буюк Ипак йўли» даги қайси шаҳарлар тарихи, хунарманчилиги, меъморчилиги, маданияти, ёдгорликлари тўғрисида китоблар нашр этилган?

(«Буюк Ипак йўли» даги Термиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби шаҳарлар тарихига оид китоблар нашр этилган).

27. IX-XII асрларда термизлик сайёҳлар, олиму фузалолар, савдогарлар Буюк Ипак йўли орқали қайси мамлакатлар билан алоқалар ўрнатганлар?

(IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар даврида термизлик сайёҳлар, олиму фузалолар, савдогарлар Буюк Ипак йўли орқали араб дунёси – Миср, Византия, Қора денгиз соҳили, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа юртларга бориб илму урфон бобида ҳамда савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқалар ўрнатганлар).

28. Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги шаҳарнинг номини айтинг?

(Қадимги Термиз Амударёнинг юқори қисмидаги кечиб ўтиши қулай бўлган жойда ҳамда карвон йўллари чорраҳасида барпо этилганлиги унинг тезда Марказий Осиё, хусусан, Бактрия-Тоҳаристоннинг йирик сиёсий ва маданий марказларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Жанубий Шимол билан, Шарқни Ғарб билан боғлаб, кўплаб халқлар тарихида катта аҳамият касб этган Буюк Ипак йўли ҳам шу ердан ўтган).

29. Кейинги йилларда Буюк Ипак йўлидаги ўзаро ҳамкорлик, савдо-сотик алоқаларини тиклаш йўлида хориж билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган кўшма корхонларга мисоллар келтиринг?

(Самарқандда «Буюк Ипак йўли» даги ўзаро ҳамкорлик, савдо-сотик алоқаларини тиклаш йўлида янги, салмоқли қадамлар қўйилмоқда. Бу ерда хориж билан

хамкорликдаги «Самкўчавто», «Парвина», «Пируз», «Сингапур» сингари кўшма корхоналар фаолияти бунга мисол бўла олади).

30. Амир Темур давлатига хорижлик элчи қачон келган, у ким ва бунга неча йил бўлиши муносабати билан қаерда, қандай тадбир уюштирилладиган бўлди?

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2003 йил 27-29 январь кунлари Испанияда бўлди. Мадрид шаҳри мэриясига ташрифида мэр Хосе Мария Алварес дел Манзано И.Каримовга тантанали равишда ўз шахрининг рамзий «Олтин калити»ни тоширди. Учрашув қадимги Испаниянинг машҳур элчиси Руи Гонсалес де Клавихо номи билан аталадиган кўчада жойлашган бинода бўлиб ўтди. Мэрнинг айтишича, Клавихо соҳибқирон Амир Темур ҳузурига тарихий сафарга отланганига бу йил 600 йил бўлади. Шу муносабат билан шаҳар маъмурияти мазкур сафар ва ўша давр ҳақида кўргазма тайёрлаш ниятида экан. Мэр жаноблари мамлакатимиз раҳбаридан ушбу тадбирни ўтказишда ҳамкорлик ва ёрдамни аямаслигини сўради. Кўргазмани кейинроқ Тошкент ва Самарқандда ҳам ўтказиш таклифини айтди).

31. Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширгани учун ким Ўзбекистон Республикасининг Олий мукофоти билан тақдирланган?

(ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор Ўзбекистон Республикасининг Олий мукофоти – «Дўстлик» ордени билани мукофотланган).

32. Халқ оғзаки адабиётидан қарвонсарой, работ бунёд этилиши тўғрисида қандай ҳикояларни биласиз, ундан мисол келтиринг.

(Халқ оғзаки адабиётида кенг тарқалган ҳикоялардан бирида айтилишича, куч-қувватдан кетиб кексайган бир мўйсафид уч ўғлини ёнига ўтқазиб васият қилар экан,

Ўғилларига: «Ўзга юртларга бориб, қадамларинг етган жойларда равоатлар қуриб, тижоратлар қилиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугидан тотиб қайтсанглар, менадан сўнг хўжалиқни бошқаришда қийналмасмидинглар», деган маслаҳатни ўртага ташлабди. Маслаҳат ўғилларига маъқул тушиб, улар сафарга жўнаб кетишибди. Хуллас, ўғиллар сафардан қайтгач, кўрган-кечирган ва қилган ишлари ҳақида оталарига сўзлаб берар эканлар, тўнғич ўғил даштда, ўртанчаси баланд тоғ довори тепасида улкан равоат бино қилгани, кенжаси борган азим шаҳарларда кўплаб ёру дўстлар топгани ҳақида сўзлаб беришибди. Шунда мўйсафид кенжа ўғилга қараб, сенинг қурган равоатинг энг мустаҳкам кўрғон бўлибди, чунки орттирган дўстларингнинг эшиқлари сенинг учун ҳамиша очик бўлади, деган экан).

33. Афсоналарга бой «Ипак йўли» да кимлар саёҳат қилганлар?

(Афсоналарга бой бу йўл бўйлаб истеъдодли муסיқачилар, актёрлар, рассомлар, қўли гул усталар ва дин тарғиботчилари ҳам саёҳат қилганлар).

34. Қайси мамлакатларда Буюк Ипак йўлини ўрганиш бўйича институтлар очилган?

(Баъзи бир Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри Ланка, Япония) Буюк Ипак йўлини ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар барпо этилган. Масалан, БМТ ва ЮНЕСКО қарорига кўра Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлар халқаро институти очилган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа-кенглиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар хайъатига тарихчилар, тилшунослар, меъморлар, мусаввирлар, ўлкашунослар, санъатушнослар, географлар, геологлар, экспедиция қатнашчиларини, журналситларни

таклиф этиш мумкин. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўҳна Урганч, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа бир неча шаҳарларнинг тарихий обидалари, меъморчилик ва кулолчилик санъати бўйича нашр этилган рисоаларини, шартли тасвир хариталар нашрларини, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий матбуот журналига бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуга бағишланган бўлиши мумкин. Оғзаки журнал танлаб олинган мавзунинг пайдо бўлиши, ривожланиши, аҳамияти, мустақиллик йилларида олиб борилаётган ишларга доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, тарих ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар саҳифаси бирор-бир масалага бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхона кечалари каби оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида «Буюк Ипак йўли» нинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тармоқлари ва ҳозирги кундаги аҳамияти билан боғлиқ бўлган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Ундан мавзуга доир тадбирларни ўтказишда фойдаланишингиз мумкин.

**«Буюк Ипак йўли тараққиёт йўли» номли оғзаки
журналнинг намунавий режаси**

«Буюк Ипак йўли»нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тармоқлари, аҳамияти, бекатлари, қайта тиклаш бўйича, транспорт тармоғини ривожлантиришга доир манбаларни кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда «оғзаки журнал» лар алоҳида ўрин тутади.

Оғзаки журнал ўтказиш тўғрисидаги битик (эълон) лар осиб қўйилади ва маҳаллий матбуот орқали хабар берилиши керак: оғзаки журнал ўтказиш учун зални жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун фаол китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, экспедицияларнинг видеокассеталарига олган лавҳаларини тўплаш, таклифнома буюртириш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очиши керак.

Ушбу оғзаки журнал қуйидаги саҳифаларга бўлиниши мумкин.

1-саҳифа: «Буюк Ипак йўли» нинг пайдо бўлиши.

2-саҳифа: «Буюк Ипак йўли» нинг ривожланиши.

3-саҳифа: «Буюк Ипак йўли» нинг тармоқлари.

4-саҳифа: «Буюк Ипак йўли» карвонсаройлари ва бекатлари.

5-саҳифа: «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклаш ғояси ва аҳамияти.

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар танланиб, чиқишлар қилинади.

1-саҳифа

«Буюк Ипак йўли» нинг пайдо бўлиши

Ушбу саҳифада ипакнинг дастлабки ватани. Шу ном билан боғланиб Ипак йўлини вужудга келиши, олдинги

номларининг тарихи ва «Буюк Ипак йўли» номи билан атала бошланиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

2-саҳифа

«Буюк Ипак йўли» нинг ривожланиши

Бу саҳифада эса Хитойни Ўрта ва Ғарбий Осиё билан боғланган қарвон йўлининг пайдо бўлиши, илк ўрта асрларда Ипак йўлининг яна ривожланиши кабиларни ёритувчи маълумотлар берилади.

3-саҳифа

«Буюк Ипак йўли» нинг тармоқлари

Бу саҳифада бу йўлнинг дастлабки тармоғи ва тармоқларидан яна бошқа тармоқнинг юзага келиши, ундан бошқа шаҳарга ўтиши, жумладан, Балхда йўл уч тармоққа ажралиб унинг ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқандга доир маълумотлар берилади.

4-саҳифа

«Буюк Ипак йўли» қарвонсаройлари ва бекатлари

Ушбу саҳифада қарвонсаройларнинг вазифаси, уларнинг аҳамияти, қайси шаҳарларда қарвонсаройлар кўплаб хизмат кўрсатганлигига доир маълумотлар берилади.

5-саҳифа

«Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклаш ғояси ва аҳамияти

Бу саҳифада «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашга доир фармон ва қарорлар, анжуманлар, ўтказилаётган экспедициялар, мустақиллик йилларида ҳамдўстлик мамлакатлари билан олиб борилаётган ишларга доир маълумотлар берилади.

«Буюк Ипак йўли таракқиёт йўли» номли оғзаки журнал муҳаррири ҳар бир саҳифа бошланиши ва сўнггида саҳифаларни тўлдириб бориши зарур. Оғзаки журнал сўнггида муҳаррир хулосавий, якуний сўзни сўзлаб журнални ёпади.

**«Жаҳонга элтувчи йўл» номли китоб-суратли
кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади, кутубхонада ўтказилаётган тадбирларни тўлдиради, мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Буюк Ипак йўли – дунёга йўл

«Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклаш ғоясини рўёбга чиқарш тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантириш, иқтисодий ўсиш ва кишилар фаровонлигини ошириш ишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

И.Каримов

Бу бўлимда:

«Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашга доир қарор ва фармонлар, халқаро дастурлар, Илмий анжуманлар, ўказилган экспедициялар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган адабиётларни, Президентимиз И.Каримовнинг асарларини, анжуманларда сўзлаган нутқлари акс эттирилган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

2. Бу йўллар - қадим йўллар

Буюк Ипак йўлларида дўстлашганмиз,
Биз шарқона икки тилда сўзлашганмиз.
Манзил сари интилганда юзлашганмиз,
Йўллар олис, диллар холис, суюк халқмиз,
Қуёш чиқар Давлатлармиз, буюк Шарқмиз!

Н.Нарзуллаев

Бу бўлимда:

Буюк Ипак йўли тарихи, шаклланиши, ривожланиши, тармоқлари ва аҳамияти, Ипак йўли ҳақида ёзилган асарлар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг тарихи билан боғлиқ бўлган ва

карвонсаройлар тарихига оид бўлган адабиётларни тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ.

3. Карвон қўнғироғи янграган йўллар

Умид билан отар ҳар кун оппоқ тонглар,
Карвонларнинг қўнғироғи урар бонглар,
Яшил олам пойимизга тўкар ранглар,
Йўллар олис, диллар холис, суюк халқмиз,
Қуёш чиқар Давлатлармиз, буюк Шарқмиз!
Н. Нарзуллаев

Бу бўлимда:

Карвон юрган йўллар тарихини, карвон қўним топган карвонсаройлар тарихи, уларнинг жойлашган манзиллари, тижорат мавзуларини ёритувчи, савдо-сотик билан шуғулланувчи, савдо-сотикни жаҳон савдосига олиб чиққан савдогарлар ҳақидаги маълумотларга, карвонсаройлар ҳақида маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

4. Буюк Ипак йўли – дўстлик йўли

Улуғ Хитой, ҳур Ўзбекистон
Икки машҳур , мустақил Диёр.
Камолига мафтункор жаҳон,
Дўстлигимиз бўлсин барқарор!
Н.Нарзуллаев

Бу бўлимда:

Буюк Ипак йўли тарихи билан боғлиқ бўлган саркарда, сайёҳ, олим, давлат арбоблари, элчилар сингари тарихий шахсларнинг юрган йўллари, фаолиятлари, иқтисодий, маданий алоқаларни тиклашга, унинг янги қирраларини, турли халқларнинг турмуши, маданияти, урф-одатларини, ички ва ташқи бозорни, халқлар ўртасидаги дўстликнинг камол топишига доир мавзудаги адабиётларни намойиш этиш мумкин.

5. Буюк Ипак йўли чироқлари мангу порлайди

Чин инсонлар бир-бирига салом йўллар,
Тинчлик, дўстлик элчилари камол йўллар,
Йўллар олис, диллар холис, суюк халқмиз,
Қуёш чиқар Давлатлармиз, буюк Шарқмиз!

Бу бўлимда:

Буюк Ипак йўлидаги қадимги обидаларнинг қайта таъмирланишига дунёни кўриш, билиш, ўрганиш мақсадида қилинаётган сайр-саёҳат, Ипак йўлида тинчлик, дўстликни янада мустаҳкамлашга доир ишлар (темир йўлнинг ишга тушиши, ТРАСЕКА лойиҳаси бўйича ишлар, Осиё халқлари иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланишида қилинаётган янги ишлар) йўналишига доир бўлган адабиётларни тарғиб қилиш тавсия этилади.

Кўргазмани тайёрлашда методик-библиографик қўлланмамизда илова этилаётган адабиётлардан фойдаланишларингизни тавсия этамиз.

«Буюк Ипак йўли» мавзусини китобхонлар орасида тарғиб қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш ва уларга тахминий мавзулар таклиф қилинади.

Мавзу тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то кишлоқ кутубхонасигача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириш мумкин.

Т. р.	Тадбирнинг номи	Таклиф қилинувчилар
1.	<p style="text-align: center;">Конференция</p> <p>«Минг йиллар мероси» рукни остида 1. Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи». 2. Носир Хисровнинг «Сафарнома». 3. Бобурнинг «Бобурнома». 4. С.Иноятовнинг «Амир Темур Работи Малик»да каби асарлари бўйича китобхонлар конференцияси. «Эллардан элларга ўтган сарбонлар» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>«Маънавият ва маърифат», «Олтин мерос», «Маҳалла» жамғармалари вакиллари, тилшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, ўлкашунослар ва кенг китобхонлар оммаси</p>
2.	<p style="text-align: center;">Мавзули кеча</p> <p>1. «Буюк Ипак йўли: кеча, бугун, эртага». 2. «Амир Темур ва Буюк Ипак йўли». 3. «Обидалар мозийдан сўзлар» каби мазуларда. «Буюк Ипак йўли тилга кирганда» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>Тарихчилар, тилчилар, меъморлар, мусаввирлар, ўлкашунослар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>
3.	<p style="text-align: center;">Савол-жавоб кечаси</p> <p>1. «Буюк Ипак йўли тарихини биласизми?» 2. «Буюк Ипак йўли тармоқларини биласизми?» 3. «Ахсикент тарихини биласизми?» 4. «Кўхна обидалар тилга кирганда» каби мавзуларда. «Элни элга улаган йўллар» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>Тарихчилар, этнограф, санъатшунослар, тилшунослар, адабиётшунослар, меъморлар, мусаввирлар, ўлкашунослар, диншунослар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>

4.	<p align="center">Мўъжизалар майдони</p> <p>1.«Бухоро карвонсаройларини биласизми?»</p> <p>2. «Кўхна манзиллар нидоси».</p> <p>3. «Дунёга очилган йўллар» каби мавзуларда «Тарих тилга кирганда» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Маҳалла», «Маънавият ва маърифат» жамғармалари вакиллари, сиёсатшунослар, тарихчилар, меъморлар, кенг китобхонлар оммаси.</p>
5.	<p align="center">Мунозара кечаси</p> <p>1.«Буюк Ипак йўли» ҳамда Шарқнинг Ғарбга маънавий ва маърифий таъсири».</p> <p>2. «Қадим йўллар-улуғ йўллар».</p> <p>3.«Буюк Ипак йўлидан келажак сари».</p> <p>4.«Буюк Ипак йўлидаги тадқиқот ва кашфиётлар» каби мавзуларда. «Асрлар садоси» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>«Маънавият ва маърифат», «Олтин мерос», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, тарихчилар, адабиётшунослар, тилчилар, меъморлар, мусаввирлар, сиёсатшунослар, ўлкашунослар, кенг китобхоналар оммаси.</p>
6.	<p align="center">Билимдонлар беллашуви</p> <p>1. «Буюк Ипак йўли тарихига бир назар».</p> <p>2. «Карвонсаройлар тилга кирганда».</p> <p>3.«Бухоро-карвонсаройларини биласизми?» каби мавзуларда «Истикболи порлоқ йўл» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>Экспедиция қатнашчилари, тарихчилар, тилчилар, меъморлар, мусаввирлар, сиёсатшунослар, ўлкашунослар, журналистлар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>
7.	<p align="center">Учрашув кечаси</p> <p>1.«Тарихни сўзлатайлик».</p>	<p>Экспедиция</p>

	<p>2.«Дунё бозорига йўл».</p> <p>3.«Мулоқот карвони» каби мавзуларда «Кўҳна тарих излари» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>қатнашчилари, археологлар, тарихчилар, журналистлар, ўлкашунослар, меъморлар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>
8.	<p>1.«Самарқанд мозийдан сўзлагай».</p> <p>2.«Хива минг гумбаз шаҳри».</p> <p>3.«Бухоро тилга кирганда».</p> <p>4.«Буюк Ипак йўли меъморий ёдгорликлари»</p> <p>5.«Буюк Ипак йўли-ҳунармандчилиги» каби мавзуларда мавзули папкалар ва картотекалар ташкил қилиш.</p>	<p>Вилоят универсал илмий кутубхоналари, МКТ ва уларнинг шохобча кутубхоналари</p>
9.	<p>Портрет кечаси</p> <p>1.«Асрлар меъморчилиги».</p> <p>2.«Карвонсарой безаклари».</p> <p>3.«Бекатлар гулзорини безатган устоз».</p> <p>4.«Умр боқий ёдгорлик» каби мавзуларда «Бебаҳо ёдгорликлар мозийдан сўзлар» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>Ҳунармандлар, мусаввирлар, меъморлар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>
10.	<p>Достончилик кечаси</p> <p>1. «Достоним, дилга етар».</p> <p>2. «Дукур-дукур от келди».</p> <p>3. «Карвон келди юртимга».</p> <p>4. «Қадриятларимизни унутмайлик» каби мавзуларида «Қадим йўлда ҳикмат кўп» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>«Маънавият ва маърифат», «Олтин мерос», «Маҳалла», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчи ва шоирлар, филологлар, журналистлар, фольклоршунослар, ва кенг китобхонлар</p>

		оммаси.
11.	<p align="center">Оғзаки журнал</p> <p>1. «Хива қадим савдо маркази». 2. «Фарғонам тилга кирганда». 3. «Самарқанд тарихига бир назар». 4. «Бухоро қарвонсаройлари» каби мавзуларида «Минг йиллар мероси», «Асрларга тенгдош шахрим» мавзуларида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.</p>	<p>Ҳунармандлар, мусаввирлар, меъморлар, тарихчилар, журналистлар, ўлкашунослар ва кенг китобхонлар оммаси.</p>

«Буюк Ипак йўли»: тадқиқот, кашфиёт, экспедиция, халқаро ҳужжатлар ва тадбирлар

«Буюк Ипак йўли» нинг очилиши (эр.ав.138й.) машҳур Хитой сайёҳи, дипломат, сарой кўриқчилари зобити Чжан Цань ва император Ву-Дининг номи билан боғлиқ.

1877 йили Берлинда Д.Райнер нашриётида Рихтгофен Фердинанд Пауль Вильгельмнинг «Хитой. Шахсий саёҳат ва кейинги чуқур тадқиқотлар натижаси» номли кўп томлик монографияси босилиб чиқди.

«Буюк Ипак йўли» номи билан фанга XIX асрнинг 70 йилларида немис олими Ф.Рихтгофен томонидан киритилган.

1881 йили Санкт-Петербург битими тузилиб, Или водийсининг асосий қисми Хитойга қайтариб берилгандан кейин, Хитой-Россия савдоси яна қайтадан ривожлана бошлаган.

1895 йилнинг охирида швед географи Свен Хедин (Ўрта Осиё чўлларининг илк харитасини яратган).

Аурел Стейн (1862-1943) (Буюк Ипак йўлининг илк тадқиқотчиси) асли венгер бўлиб, инглиз археологи, шарқшуноси ва географи сифатида ном қозонган. У Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Шарқий Хитой, Ироқ ва

Шарқнинг бошқа давлатларида кўплаб тадқиқотлар олиб борган.

Шарқий Туркистонга Д.А.Клеменц бошчилигидаги биринчи махсус археологик экспедиция 1898 йили Россия Фанлар академияси томонидан ташкил қилинган.

1900 йилнинг баҳорида карвон йўли бўйлаб Аурел Стейн йўлга тушади, Хўжанддаги (Ипак йўлининг жанубий қисми) кашфиёти, Турфон ва Лоуландаги тадқиқотлари Стейнни илм аҳлига танитган бўлса, Дуньхуанни кашф этиши (1906-1909) унинг номини бутун дунёга машҳур қилди.

Россия 1905 йили М.М.Березовский бошчилигидаги экспедицияни Кучага жўнатиш ҳақида қарор қабул қилади.

М.М.Березовский Кучадаги ишга 1905 йилнинг охирида киришади ва у ерда 1907 йилнинг декабргигача ишлаган.

1909 йили машҳур француз хитойшунос Поль Пеллио (1878-1945) бошчилигидаги илмий экспедиция Шарқий Туркистонда бўлган. Экспедиция Куча шаҳри фарбида қазиш ишлари олиб борган.

Ҳукумат Шарқий Туркистонга академик С.Ольденбург бошчилигида янги экспедиция юборган. Экспедиция таркибида рассом, сайёҳ, этнограф, археолог, музей ходими С.М.Дудин ҳам бўлган. Дудиннинг 1909-1910 ва 1914-1915 йилларда будда ва ислом санъати ҳақида тўплаган бой материаллари суратлар альбомини чоп этиш учун асос бўлган.

1949 йил Хитой халқ Республикаси ташкил топгандан кейин собиқ Совет ҳукумати билан савдо-сотиқ давом этган бўлса-да, 1960 йилларда собиқ Совет-Хитой муносабатларининг ёмонлашуви туфайли савдо қисқарди.

1978 йилда Хитойда бошланган иқтисодий ислохотлар туфайли 1980 йилларнинг ўрталарига келиб, Туркистондан ўтадиган қадимий карвон йўлида яна савдо муносабатларида жонланиш пайдо бўлди.

1987 йил ноябрда Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXIV сессиясида 10 мамлакат, жумладан собиқ Иттифоқ ташаббуси билан 1988 йилдан 1997 йилга қадар мўлжалланган йирик кўламли халқаро лойиҳа бўйича «Буюк Ипак йўли» ни тугал ўрганишга қаратилган қарор қабул қилинди.

1991 йил февраль ойида Самарқандда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институтида «Буюк Ипак йўли» ни ўрганишга бағишланган халқаро анжуман бўлди.

1991 йили Қозоғистон-Хитой темир йўл қатнови бошланди. Қашғар-Андижон қадимий қарвон йўли очилишига дастлабки қадамлар қўйилди.

1993 йил май ойида Брюсселда Европа Комиссияси, Марказий Осиё ҳамда Кавказ мамлакатлари, шунингдек Европа Иттифоқи давлатлари вакиллариининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги – ТРАСЕКА барпо этиш масаласи кўриб чиқилди ва шу бўйича Декларация қабул қилинди. Учрашув «Буюк Ипак йўли» ни тиклаш борасидаги дастлабки амалий қадам бўлди.

1993 йил Бали оролида Жаҳон сайёҳлар ташкилотларининг конгрессида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистоннинг «Буюк Ипак йўли» га доир навбатдаги халқаро анжуманни Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

1994 йил 3 октябрда Тошкентдаги халқлар дўстлиги саройида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро анжумани очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов анжуман қатнашчиларига табрик йўллади. Халқаро учрашув ўз ишини 6 октябрда Самарқандда якунлади. Шу ерда «Буюк Ипак йўли» бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида» фармон чиқарди.

1995 йил 21 июнда «Ўзбектуризм» миллий компанияси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши масалаларига бағишлаб журналистлар, радио ва телевидение ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

1995 йил июнида Германиянинг Штутгарт шаҳрида Президентлар Ислом Каримов ва Роман Херцог томонидан «Буюк Ипак йўли ворислари – Ўзбекистон» кўргазмаси очилди.

Кўргазма иши ҳақида ҳикоя қилувчи каталог Германиянинг «Эдишн хансэрг майер Штутгарт Линден» нашриёти томонидан Штутгартдаги Линден музейи ва Берлин элшунослик музейи билан ҳамкорликда чоп этилди. Каталог Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Буюк Ипак йўли ворислари - Ўзбекистон» кўргазмасининг очилишида сўзлаган нутқи билан бошланади.

Фотосурат ва безаклар билан безатилган мазкур асар «Қадимги Ипак йўли», «Марказий Осиё ислом даврида», «Туркистон ўзбек хонликлари даврида ҳамда «Ўзбекистон» деб номланган бўлимлардан иборат.

Ушбу каталог «Буюк Ипак йўли» тарихи ҳақида, халқимизнинг бой маданий мероси, санъати тўғрисида ҳикоя қилувчи қимматли асардир.

1995 йил 7 июль куни Франциянинг қадимий шаҳарларидан бири Клермон Ферранда «Ипак йўли» номли кўргазма очилди. Ушбу кўргазма Ўзбекистон

Республикасининг Франциядаги элчихонаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда юртимиз шайдоси Жон-Марк Эм ҳамкорлигида ташкил этилган. Кўргазмада Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамбли, Хивадаги мадраса ва кўкка бўй чўзган миноралар, Тошкентдаги замонавий бинолар, шунингдек, ота-боболаримиз бизга қолдирган бунёдкорлиги меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар намойиш этилган.

1995 йил июлда Франция пойтахтидаги Париж Катта саройи миллий галереясида «Серенада, будда диёри Ипак йўлидаги ўн асрлик санъат» деб ном олган кўргазманинг таниқли очилиш маросими бўлди. Ушбу кўргазма ЮНЕСКО нинг «Ипак йўли-мулоқот йўли» дастури доирасида тайёрланган. Кўргазма Франция Миллий музейлари томонидан, Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган кўргазма 1996 йил 19 февралгача ишлаган.

1995 йил 3 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» халқаро ярмаркаси очилди. 4 октябрь куни «Ўзбек туризм» миллий компаниясининг маданият ахборот марказида жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ярмаркаси доирасида сайёҳлик бўйича семинар бўлиб ўтди.

Семинарда «Туркистон-умумий уйимиз» шиори остида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида «Буюк Ипак йўли» бўйлаб сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қиладиган жамоатчилик ташкилотини тузиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

1996 йил 21 февралда Бухоронинг Когон шаҳридаги Аҳадхон саройида «Ипак йўлининг тикланиши: Ўзбекистонда маърифий сайёҳликни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзусида халқаро конференция иш бошлади ва халқаро конференция

иштирокчиларига Президент Ислом Каримов табрик йўллади.

1996 йил 8-18 май кунлари Тошкентда «Буюк Ипак йўли XX асрда: янгича фалсафа» мавзусида сопол-пластика бўйича халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда Ўзбекистондан МДХ мамлакатларидан Латвия, Франция, Швециядан сополчи rassomлар иштирок этдилар. Симпозиум иштирокчилари Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарлари Самарқанд-Бухоро-Ургут-Ғиждувон-Убо қишлоғида бўлдилар. Сўнг Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида ўзлари Ўзбекистонда бўлган чоғларида бажарган сопол композициялари кўргазмасини тайёрладилар.

1996 йил Сарахсда Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тармоқларининг туташтирилаги ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. 1996 йил 13 май куни Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1998 йил «Ўзбекмузей» жамғармаси билан Пенсильвания (АҚШ) университети раҳбарияти томонидан «Ўзбекистон хазинаси – Буюк ипак йўли» номли кўргазма ташкил қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. АҚШда 1999 йил 26 мартдан 3 апрелгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1999 йил 19 мартдаги 113 Ф-сонли) қарори қабул қилинди.

1998 йил 8 сентябрда Озарбайжон пойтахтида ТРАСЕКА дастури доирасида «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашга бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.

1999 йил 20 сентябрда Тошкентда «Буюк Ипак йўли» ни тиклаш бўйича Халқаро конференция очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференция қатнашчиларига табрик йўллади. Халқаро конференция ўз ишини 22 сентябрда якунлади.

1999 йилда тарих фанлари доктори, академик Эдуард Ртвеладзе томонидан олиб борилган самарали изланишлар натижаси - «Буюк Ипак йўли» деб номланган йирик монография чоп этилди.

1999 йил 9-10 ноябрь кунлари Хитой Халқ Республика Раиси Цзян Цзэмин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сиёсий, иқтисодий соҳага, шунингдек, ахборот технологияси ва сайёҳликка доир тўққизта хужжатни имзолаш маросимида иштирок этди.

2001 йилда «Ўзавтойўли» давлат акциядорлик концернида «Буюк Ипак йўли» билан боғлиқ халқаро анжуман ўтказилди.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни қошида «Буюк Ипак йўли» илмий тадқиқот маркази фаолият юрита бошлади.

Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри Ланка, Япония) «Буюк Ипак йўли» ни ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар барпо этилган.

БМТ ва ЮНЕСКО қарорига кўра, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилган.

Адабиётлар

Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Респ. Президентининг Фармони 1995й. 2 июнь //Халқ сўзи.-1995.- 3 июнь.

Каримов И.А. Президент И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси (1993 йил 28 сентябрь). -Т.: Ўзбекистон, 1993.-40 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, малоқалар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-261 б.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1995.-278 б.

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза //Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-Б.139-149.

Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати //Каримов И.А. Биздан озод ва обод қолсин.-Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.92-116.

Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманда сўзланган нутқ //Каримов И.А. Биз келжагамизни ўз қўлимиз билан қураимиз.-Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-Б.174-179.

Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари //Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.76-85.

Савдо уйидан Ипак йўлини тиклаш сари //Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1995.-Б.158-159.

Савдо уйидан Ипак йўлини тиклаш сари //Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.336-337.

Франция Президенти томонидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзланган нутқ //Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-Б.163-167.

Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари //Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.40-44.

Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди //Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида.-Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.331-339.

Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. 23 апр //Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б.281-292.

* * *

Каримов И. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция қатнашчиларига: Хурматли конференция қатнашчилари! Хорижлик азиз меҳмонлар! [Табрик] //Ўзбекистон овози.-1999.-21 сент., Ишонч.-1999.-21 сент.

Каримов И. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларига мурожаат //Ўзбекистон овози.-1994.-4 окт. Халқ сўзи.-1994.-4 окт.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманда сўзлаган нутқи //Ватанпарвар.-1998.-12 сент.

Абу Тоҳирхожа ва бошқ. Самария /Абу Тоҳирхожа. Бухоро тарихи /Наршахий. Шажарайи Хоразмшоҳий /Баёний. Фарғона тарихи /Ибрат /Тарихий эссе /Таҳрир хайъати: Б.Аҳмедов ва бошқ. –Т.: Камалак, 1991.-336 б. – («Мерос» туркуми).

Амир Темур жаҳон тарихида /Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ.- Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри.-Т.: Шарқ, 2001.-3-4 б.

Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар.-Т., 1997.-77 б.

Анорбоев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихида қадим Фарғона /А.Анорбоев, У.Исломов, Б.Матбобоев. - Т.: Фан, 2001.-66 б.

Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари: (Қадимги ва ўрта асрлар): Олий ўқув юрт. тарих ф-тети талабалари у-н қўлл.-Т.: Ўқитувчи, 1991.-212 б.

Буюк Ипак йўли – Буюк мулоқот йўли: Услубий-библиографик тавсиянома /Тузувчи: М.И.Матмурадова; Муҳаррир: Х.Маматраимова.-Т., 2000.-32 б. Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси.

Ипак йўли афсоналари: (жой номлари билан боғлиқ афсоналари) /Тузувчи, сўз боши муаллифи, нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев.-Т.: Фан, 1993.-127 б.

Пидаев Ж. Сирли қушонлар салтанати /Масъул муҳаррир А.А.Асқаров. - Т.: Фан, 1990.-38 б.

Сафаров Ш. Термиз ва темурийлар. - Термиз. Жайҳун, 1993.-14 б.

Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.: Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-144 б.

Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.: Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.-344 б.

Ўзбекистон тарихи /Масъул муҳаррирлар А.С.Сагдуллаев, Б.Ж.Эшов.; Муҳаррир З.Т.Тоҳиров.-Т.: Университет, 1997.-338 б.

Буюк Ипак йўли //Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи: (Энг қадимги даврлардан эрамининг V асригача): Ўқув кўлланмаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.-Б.176-184.

Буюк Ипак йўли //Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи: Олий ва ўқув юрт.талабалари учун кўлл. Қ.1. /Махсус муҳаррир: А.Асқаров.-Т.: Ўқитувчи, 1997.-Б.91-96.

Буюк Ипак йўли //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдуразақова ва бошқ.: А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.29-30.

Буюк Ипак йўли //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдуразақова ва бошқ.: А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.29-30.

Буюк Ипак йўли. Шаклланиши, ривожланиши, тармоқлари ва аҳамияти //Ўзбекистон тарихи: Маърузалар матни /Р.Ҳ.Муртазаева, Б.Ж.Эшов, Б.Жолдасов ва бошқ.-Т., 2000.-Б.36-39.

Буюк Ипак йўли //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 жилд. Бешик-Гидрофизика. Таҳрир хайъати ва бошқ. М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.319-320.

Ипак йўли чорраҳасидаги кўҳна давлат //Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати: (Қадимий тарих саҳифалари) /Масъул муҳаррир: С.К.Камолов.-Т.: Шарқ, 1999.-Б.131-142.

Ипак йўли яна очилди //Ғулом Ғафур. Мукамал асарлар тўплами 12 томлик. Т.11. Адабий-танқидий мақолалар /Таҳрир хайъати: Аҳмедова-Ғуломова О. ва бошқ.: Нашрга тайёрловчи: А.Жалолов, В.Рўзиматов. Масъул муҳаррир: С.Мамажонов.-Т.: Фан, 1989.-Б.248-250.

Карвонсарой //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Кониғил. Таҳрир хайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.425.

Карвонсаройлар //Мозийдан таралган зиё. Имом ал-Бухорий /Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.127-128.

Минг йиллар мероси /Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов: Илмий муҳаррирлар: Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев: Адабий муҳаррир: Ш.Мансуров. - Т.: Шарқ, 2002.-228 б.

Хива минг гумбаз шаҳри /Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев: Илмий муҳаррирлар: Э.Ртвеладзе, Н.Ҳабибуллаев.-Т.: Шарқ, 1997.-158 б.

* * *

Абдуллаев М. Қўним топмаган карвонлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1991.-25 май.

Абдурахмонов Т., Ғофуров Т. Она юртнинг олтин камари: Буюк Ипак йўли энди Қамчиқ девонидан ўта бошлади ва Ўзбекистон келажагига хизмат қилади //Мулқдор.-1996.-3 авг.

Абдуҳолик Абдурасул ўғли. Буюк Ипак йўли (Тарихий лавҳа): Элни элга улаган йўллар //Мулоқот.-1994.-№7-8.-Б.54-57.

Алимов У. Буюк Ипак йўли: Улар биздан кучлироқ бўлган: [Тошкент шаҳрининг шарқ томонидан 24 км. нарида Ковардон шаҳристонидан VII-VIII аср сопол идишлари топилгани ҳақида] //Ўзбекистон.-1993.-№1.-Б.1

Анжуман давом этмоқда: [Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция 21 сентябрь куни ўз ишини давом эттиргани ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-22 сент.; Ишонч.-1999.-22 сент.

Арзиев Ф. Буюк Ипак йўли тараққиёт йўли //Тошкент оқшоми.-1998.-11 сент.; Ватанпарвар.-1998.-12 сент.

Аскарлов А. Карвон қўнғироғи //Халқ сўзи.-1991.-19 апр.

Аскарлов А. Мулоқот карвони //Фан ва турмуш.-1991.-№7.-Б.13-14.

Аъзамова Г. Дунёни кийинтирган замин: [Буюк Ипак йўли] //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-1999.-№6.-Б.50-52.

Аҳмедов А. Изланишлар асосида: [«Буюк Ипак йўли», «Қадимги илк ўрта аср Бактрияси» деб номланган монографиялар чоп этилди] //Тошкент окшоми.-1995.-13 февр.

Бердимуродов А. «Танланган мерос» изидан: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институтида Буюк Ипак йўлини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман тўғрисида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1991.-15 февр.

Болтаев А. Буюк йўлнинг қўналғаси //Фан ва турмуш.-1992.-№7.-Б.31.

Ботирбеков Т. Буюк Ипак йўли бўйлаб: ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилаётган «Буюк Ипак йўли»: Халқаро экспедицияси аъзолари Қорақалпоғистон бўйлаб сафарни тугатгач қадимий Хоразмга ташриф буюрдилар //Қишлоқ ҳақиқати.-1991.-8 май.

«Бухоро - Ипак йўлидаги марварид», «Дунё хазинаси ва инсоният мероси» //Ўзбекистон матбуоти.-2000.-№4.-Б.37.

«Буюк Ипак йўли» анжуман 3 октябрь куни Тошкентда Халқлар дўстлиги саройида халқаро анжуман бўлиб ўтди //Халқ сўзи.-1994.-4 окт.

«Буюк Ипак йўли» анжуман 3 октябрь куни Халқлар дўстлиги саройида жаҳон сайёҳлар ташкилотининг халқаро анжумани бўлди //Ўзбекистон овози.-1994.-4 окт.

«Буюк Ипак йўли» истиқболи порлоқ йўл: 3 октябрь куни Тошкентда «Ўзэкскомарказ» да «Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» халқаро ярмаркаси очилди //Халқ сўзи.-1995.-4 окт.

«Буюк Ипак йўли» тикланади //Халқ сўзи.-1992.-18 дек.

Буюк Ипак йўли тикланмоқда: [«Интеркомтинентал» мехмонхонасида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция бўлгани ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-21 сент.

Буюк Ипак йўли: Тошкент анжумани якунланди //Халқ сўзи.-1999.-23 сент.

Буюк Ипак йўли: (харитаси) //Фан ва турмуш.-1991.-№7.-Б.3.

«Буюк Ипак йўли» ҳаётий заруратдир: Ўзбекистон ва жаҳон //Мулкдор.-1998.-11 сент.

Гадоев П. Карвон йўлларида //Халқ сўзи.-1991.-9 май.

Долиев Т., Казаченко Ю. Буюк Ипак йўли бўйлаб 35 минг фут баландликда //Халқ сўзи.-1992.-31 окт.

Ёрим кетди Ипак йўлига: [Ипак йўлида сочилган соғинч туйғулари] /Тўпловчи: Г.Қаюмова /Маҳалла.-2001.-24 окт.

Жаҳонга элтувчи йўл: [«Буюк Ипак йўли» нинг қайта тикланаётгани ҳаммани хурсанд этмоқда, шу ҳақда қирғиз биродарларимиз дил сўзларини Ш.Шодмоналиев ёзиб олди] //Халқ сўзи.-1999.-1 окт.

Жўраев А. Дунё бозорига йўл янги транспорт коммуникациялари Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш имконини беради //Ўзбекистон овози.-1998.-19 сент.

Жўраев А. Спитамен ва Муқаннани кўрган шаҳар //Мозийдан садо.-2000.-№1-2.-Б.74-75.

Зокиров Ж., Соатов. Бу қадим йўллар...: [Буюк Ипак йўли ҳақида] //Фан ва турмуш.-1991.-№7.-Б.10-12.

Иванова А. Буюк Ипак йўлининг митти инъикоси //Халқ сўзи.-1999.-15 сент.

Илҳом Султон. Буюк Ипак йўли бекатларида: Туронзамин садоси //Ватан.-1994.-27 июль; 3 авг.

Исаев А. Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги шаҳар //Мозийдан садо.-2001.-№2.-Б.24-27.

«Ипак йўли»: [«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси

муассасалигида «Ипак йўли» газетаси чиқа бошлади] //Ўзбекистон матбуоти.-1996.-№1.-Б.29.

Ипак йўли тикланди //Халқ сўзи.-1992.-21 нояб.

Каримов Н. «Ипак йўли» банки (ёки унинг иқтисодий тараққиёт йўли) Иқтисод ва тарих //Ҳаёт ва иқтисод-1992.-№7.-Б.54.

Катта қизиқиш уйғотди: [Япония пойтахти Токиода «Буюк Ипак йўли ва олам Хитой сайёҳи Саизо Хожи нигоҳида» номли кўргазма ташкил этилгани ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-3 нояб.

Китобданмиз: [Шеър] //Нарзуллаев Н. Халқим, сен билан қалбим! Шеърлар, кўшиқлар, тўртликлар.-Т.: Янги аср авлоди, 2000.-Б.61-63.

Кичкилов Х. Манзил: [Буюк Ипак йўлидан] //Маҳалла.-2000.-12 сент.

Кобзева О. Буюк Ипак йўли: кеча ва бугун, эртага //Жамият ва бошқарув.-2000.-№2.-Б.54-57.

Мавлонов Ў. Бу йўллар кўп қадим йўллардир: [Буюк Ипак йўли тарихи] //Жамият ва бошқарув.-2001.-№7.-Б.38-40.

Маҳмудов Р. Буюк Ипак йўли – тараққиёт йўли: [ТРАСЕКА лойиҳаси бўйича амалга оширилган фаолиятлар хусусида] //Халқ сўзи.-2001.-19 сент.; Тошкент оқшоми.-19 сент.

Мурод Малик. Жаҳонгир ва «Буюк Ипак йўли»: [Амир Темур ҳақида] //Ёш ленинчи.-1991.-31 июл.

Муҳаммадиев Н. Дунёга очилган йўллар: [Буюк Ипак йўлининг тикланиши ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-28 май.

Набижон Собир. Боболар юртига ташриф //Халқ сўзи.-1991.-24 май.

Низомов Х. XXI аср қурилиши давом этмоқда: [Буюк Ипак йўли орқали халқаро «Шанхай-Париж автомобиль» йўлини боғлайдиган автомагистрали қурилиши ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-10 дек.

Нишонов Д. Ўзбекистон рамзий дарвозаси //Маърифат.-1993.-1 май.

Норматов К. Тинлик ва барқарорлик – истиқлолнинг қўш қаноти: [Буюк Ипак йўлининг тикланиши Қамчик доводнаги ишлар ҳақида] //Маҳалла.-1999-20 янв.

Очилов Н. Жом: [Самарқанд вилояти Жануби, Қашқадарё вилояти чегарасида Буюк Ипак йўлида жойлашган Жом қишлоғи ҳақида] //Мулоқот.-1999.-№1.-Б.40-43.

Оқсаройнинг чироғи: [Шеър] //Нарзуллаев Н. Халқим сен билан қалбим! Шеърлар, кўшиқлар, тўртликлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2000.-Б.17-19.

Оққан дарё оқади...: [Шеър] //Нарзуллаев Н. Юрт ишқида ёнаман. Шеърлар, кўшиқлар.-Т.: Ёзувчи, 1996.-Б.4-5.

Ражабов О. Қадимий дўстликнинг янги қирралари //Адолат.-2003.-31 янв.

Райимжонов З. Буюк Ипак йўли - кўҳна маданият: [«Буюк Ипак йўли» илмий тадқиқотлар маркази бош мутахассиси билан суҳбат] /Х.Нишонов суҳбатлашди //Маърифат.-2002.-27 февр.

Рашидов У. Буюк Ипак йўлидаги маёқ //Гулистон.-1993.-№1.-Б.4-5.

Рашидов У. Буюк Ипак йўлини ёритган маёқ //Халқ сўзи.- 1997.-15 апр.

Раҳим Иброҳим. Чўнг олой чўққиларида: [Андижон-Ўш-Эргаштом йўл қурилиши ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-6 авг.

Раҳмонов М. Буюк Ипак йўлидан келажак сари: [Ўзбекистон йўлидан Хитойнинг Буюк Ипак йўлини тиклаш борасидаги ҳамкорлиги ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-13 нояб.; Қишлоқ ҳаёти.-1999.-16 нояб.

Раҳмонов Ш. Мозийга кўприк: [«Буюк Ипак йўли» ни қайта қуриш борасидаги қилинаётган ишлар] //Халқ сўзи.-1999.-4 февр.

Саидов Ш. Хоразмнинг savdo yollari: [Буюк Ипак йўли тарихи ҳақида] //Фан ва турмуш.-1999.-№4.-Б.32.

Сайёҳлик халқларни бирлаштирди //Халқ сўзи.-1995.-5 окт.

Санокулов Х. Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли: ЮНЕСКО экспедицияси яқунланди //Ҳаёт ва иқтисод.-1991.-№7.-Б.46-47; №8.-Б.72-74; №9.-Б.64-66.

Санокулов Х. Сафарнома: ЮНЕСКО экспедицияси катнашчисининг кундаликлари: Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли //Ҳаёт ва иқтисод.-1991.-№10.-Б.74-76.

Сафар Илҳом. «Чор Бакр» тикланмоқда: [Бухоро вилоятидаги Буюк Ипак йўлида жойлашган «Чор Бакр» меъморчилик ёдгорлигини қайта таъмирлаш ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-22 май.

Сафоев Ж. Ўзбекистоннинг денгиз даврозалари Ғарб ва Шарқни бирлаштиради: [Буюк Ипак йўли ҳақида] //Халқ сўзи.-1998.-10 окт.

Собиров Т. Ўзбекистонда сайёҳлик тарихидан //Гулистон.-1996.-№2.-Б.16-17.

Солиев С. Буюк Ипак йўлидан: [«Ўзбектуризм» миллий компанияси Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора тadbирлар тўғрисидаги Фармоннинг бажарилиш масалаларига бағишлаб журналистлар радио ва телевидения ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказди] //Тошкент оқшоми.-1995.-21 июн.

Толипов Х. Буюк Ипак йўли: Кеча ва бугун эрта //Савдогар.-1996.-10 окт.

Тошкент анжумани яқунлади: [Пойтахтимизда бошланган «Буюк Ипак йўли»ни тиклаш бўйича халқаро конференция якуни ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.- 23 сент.

Турғунов Б. «Ипак йўли» мўжизалари: [Ўзбек-Япон илмий ҳамкорлиги] /Н.Умаров ёзиб олди //Тошкент оқшоми.-1998.-16 март.

Тўракулов З. «Бахмал» - Ипак йўли кашфиёти //Адолат.-2003.-31 янв.

Улуғ Ипак йўли. Номсиз тепа тилга кирди: Санъат сиёсатдан ташқари бўлсин. «Самарқанд кулоллари» Парижда: Фарғонадан–Сан-Францискогача //Ўзбекистон-Contract.-1993.-№2.-Б.1.

«Улуғ Ипак йўли» Самарқанд: ўтмиш ва бугун: Темирчи Муқимбобо: Ажойиб орол: Нурхонадан телефонгача: Уч аср муқаддам/ //Ўзбекистон-Contract.-1992.-№2.-Б.1.

«Улуғ Ипак йўли» Улуғ шоир юбилейи: Табиатни асраш!: Ҳазрати имом масжиди: Сув музейи //Ўзбекистон-Contract.-1991.-№2.-Б.1.

Фарҳодий Раим. Яполния-Ўзбекистон: Маданий ҳамкорлик қирралари: [Буюк Ипак йўлида] //Халқ сўзи.-1991.-12 сент.

Францияда Ўзбекистон кўрғазмаси //Тошкент оқшоми.-1995.-14 июл.

Халқаро конференция иш бошлади: Бухоронинг Когон шаҳридаги Аҳадхон саройида «Ипак йўлининг тикланиши: Ўзбекистонда маърифий сайёҳликни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш мавзусида халқаро анжуман бошланди //Халқ сўзи.-1996.-22 февр.

Халқаро сайёҳлар Хоразмда //Халқ сўзи.-1991.-1 май.

Худойназаров А., Набижон Собир. Булоқ бошидаги ташналик //Халқ сўзи.-1991.-18 апр.

Хўжаев А. Буюк Ипак йўли – ҳаёт ва тақдирлар дарёси //Мозийдан садо.-2002.-№1.-Б.44-48.

Шиммель А. «Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан...» Етти иқлим муждаси //Тафаккур.-1998.-№2.-Б.32-41.

Шораҳмедов К. «Ипак йўли меросхўрлари» кўрғазмаси Ғарбни хайратга солмоқда: [1995 йилнинг

ноябрь ойида Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазма ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1996.-22 май.

Юсупов Ж. Қитъалар чорраҳаси: Буюк Ипак йўли бўйлаб [ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган карвоннинг Хоразмда бўлиши] //Қишлоқ ҳақиқати.-1991.-9 май.

Яхшиликков Ж. Буюк Ипак йўли ҳамда Шарқнинг Ғарбга маънавий ва маърифий таъсири //Ozbekistonda ijtimoiy fanlar.-1999.-№1.-1.-Б.37-46.

Ўзбекистон Париждаги кўргазмада: ЮНЕСКО нинг «Ипак йўли – мулоқот йўли» //Халқ сўзи.-1995.-28 окт.

Ўрмонов М. Темурийлар ва Буюк Ипак йўли: [Соҳибкирон Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият] //Санам.-2001.-№4.-Б.3.

Ўрмонов М. Ўзбекистон – «Буюк Ипак йўли» нинг қадимий вориси //Адолат.-2001.-14 сент.

Қадим йўлда ҳикмат кўп: [«Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган конференция ва Президентимизнинг ғамхўрлиги] //Marifat.-1998.-9 сент.

Қадим йўллар – улуғ йўллар: [Озарбайжонда Баку шаҳрида Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро анжуман ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1998.-11 сент.

Қодиров Б. Бу қадим йўллар //Фан ва турмуш.-1999.-№2.-Б.3.

Қодиров Б. Давр талабларига мос автотуризм меъморчилиги: [Буюк Ипак йўли маршрути бўйлаб илмий лойиҳалар ҳақида] //Соғлом авлод учун.-1999.-№2.-Б.6-7.

Қоржовов А. Буюк Ипак йўли – дунёга йўл: [Тикланаётган янги Буюк Ипак йўли ҳақида] //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2000. - №8.-Б.12-13.

Қоржовов А. Буюк Ипак йўли қайта тикланмоқда //Халқ сўзи.-1997.-23 июл.

Қуёш чиқар Шарқдан мангу!: [Шеър] //Нарзуллаев Н. Халқим, сен билан қалбим! Шеърлар, кўшиқлар, тўртликлар.-Т.: Янги аср авлоди, 2000.-Б.53.

Қурбонов С., Олимов Б. «Ипак йўли ҳақида – ҳақиқат»: [Ипак йўли тадқиқоти ва йўллари қайта тиклаш дастури доирасида Хитойда бўлиб қайтган ўзбек олим ва йўл қурувчилари экспедицияси ва шу ҳақидаги фильм ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2000.-4 нояб.

Қўчқоров Я. «Элик қалъа» бекатида иш қизғин: [Ялғи темир йўлда Буюк Ипак йўлининг лойиҳаси ҳақида] //Халқ сўзи.-1999.-7 окт.

Ҳабиб Темур, Ҳолмуҳаммад Нур. Самарқанд тижорат анъаналари тикланади: [Буюк Ипак йўли бўйлаб] //Халқ сўзи.-1991.-17 май.

Ҳабибуллаев Н., Алимов Ў. Ўзбекистон маданияти ва санъати дунё эътиборида: [ЎРнинг АҚШдаги элчихонаси Американинг 3 та йирик шаҳарларида ўтказган «Ўзбекистон хазинаси - Буюк Ипак йўли» номли ноёб санъат асарлари кўргазмаси ҳақида] //Мозийдан садо.-2000.-№1.-2.-Б.92-93.

Ҳаким Сатторий. Карвон йўлларда чироқлар –мангу порлайди //Халқ сўзи.-1994.-7 окт.

Босишга рухсат этилди “___” _____ 2004 йил
Бичими ___ нашр. т. ___ нусха. Буюртма № ___

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди